Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 21 июнь
ЖУМА
№ 118 (5.160).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

Офат юз берган жойда

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ

Ўша куни Фарғона районидаги Димитров номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари йилнинг дастлабки меҳнат ғалабаси шукуҳини сураётгандилар. Тушлик пайти эди... Асосий эътибор ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кучайтиришга қаратилиши лозимлиги ҳақида кенгашиб, маслаҳатлашиб олинаётган бир пайтда кучли шамол кўтарилди. Эрталабдан чарақлаган қуёш юзини тоғ тизмалари орасидан кўтарилган қора булут қоплади.

Бу воқеа 16 июнь куни содир бўлди. Миндонликларнинг эътироф этишларича, яқин йиллар ичида бундай ҳодиса юз бермаган. Қақир ва Ариқбўйи маҳаллаларидаги қий-чув катта фалокатдан дарак бериб турарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай воқеа содир бўлган жойга Фарғона вилояти Кенгашининг раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Ғ. Ф. Фозилов бошлиқ партия, совет вакиллари етиб келишди. Аҳвол билан танишгач, одамлар билан суҳбатлашишди, улар кўнглини кўтаришди.

Сел босган ерлар... Не-не машаққатлар билан экилган ғўза ва бошқа экинлар лой-балчиқ остида... Тинимсиз ёғаётган ёмғир дилга тароқ солади.

Вайрона уйлар... Омонатгина сақланиб қолган айвон остида жон сақлаб турганларга рўбарў келамиз. Маълум бўлишича, бу уй Ибодулла Аҳмадалиевга қарашли экан. Деворлари чўкиб, нураган қўшни ҳовли эса Холмуҳаммад Дадажоновники.

— Олти фарзандим бор, — деди у киши куюниб... — Ўн беш жонмиз. Кеча ўғлим, келин ва набираларим ҳам бизникида тунашди. Кийим-кечагу идиш-товоғимиз лойқа тагида қолди...

Вагон-уй беришди. Набиралар ўша ерда ҳозир. Лекин бу билан тирикчилик қилиб бўлмайди-да. Уй-жой қуришни тезлаштириш керак. Яна бир илтимос шуки, янги уйлар сел йўлларига қурилмаса...

— Сизлардан хабар олишдими?

— Колхоз, район, область катталарига раҳмат. Кўнгил сўраб кетишди. Савдо ходимлари ун, қанд, гуруч ва бошқа керакли нарсаларни олиб келишди. Дўхтирлар ҳолимиздан хабар олиб туришибди...

«Шарқ ҳақиқати» кўчасидаги беш хонадон бутунлай вайрон бўлган. Миндон қишлоқ Шўроси ўрамида эса 12 та уй қаттиқ шикастланган. 205 хонадонга моддий зарар етган.

Холмирза Ортиқов, Абдуғаффор Рўзибоев, Муҳаммадазиз Раҳимқулов, Раҳматжон Аҳмедовлар бошлиқ бригада деҳқонлари селдан оғир талофат кўришди. 3-бригаданинг 35 гектар ердаги ғўзаси лойқа остида қолган.

Деҳқонлар билан суҳбатлашдик. Улар талофатни енгиш, ғўза ва бошқа экинларни мумкин қадар сақлаб қолиш тадбирларини кўришаётганликларини айтишди.

— Сел хавфи туғилиши билан техникаларни жойларга юбордик, — деди хўжалик бошқарувининг раиси Маматилла Муқаддисов. — Селнинг йўлини бутунлай тўса олмаган бўлсак-да, кўпчиликни огоҳлантиришга улгурдик.

Рақамларга эътибор беринг: хўжалик бўйича 580 гектар ердаги ғўза зарарланган. 150 гектар ердаги кўчатни сел оқизиб кетди. Бу ерларга энди озуқа экинлари экишдан бошқа илож йўқ. Бундан ташқари 200 гектардан ортиқ майдондаги озуқа ва бошоқли экинлар пайҳон бўлди. Мева ҳосилининг 60 фоизи нобуд бўлди.

Табиий офат фақат миндонликлар бошига кулфат солгани йўқ. Ён атрофидаги барча хўжаликлар ҳам моддий ва маънавий зарар кўришди.

Ильич номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рўзимат Раҳимовнинг таъкидлашича, колхознинг 600 гектар ғўзаси шикастланган. 100 гектардаги барқ уриб ўсаётган ниҳоллар сув остида қолди...

—«Ленинград», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари, «Фарғона» давлат хўжалиги, қўшни корхона ва ташкилот ходимларига раҳмат, — дейди раис. — Ўша ондаёқ ёрдамга келишди. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик туфайли қийинчиликларни енгдик...

— 16 июнь куни Миндон, Чимён қишлоқларидан тушган кучли сел ҳаммамизни шошириб қўйди. Сигирхоналар сувга тўлди. 550 гектар ғўза қатор ораларига лойқа сув кирди. Бир сўз билан айтганда, қарийб 800 минг сўмлик моддий зарар кўрдик...

— Ўн еттинчи куни тушдан кейинги дўл ва жала атиги 20 дақиқа давом этди, — деди «Ленинград» колхозининг раиси Маҳмуджон Абдуллаев. — Оқибатда 5 километр бетон, 30 километр майдондаги ички ариқлар кўмилиб кетди. 450 гектар ердаги ғўза ночор аҳволга тушиб қолди. Дўл 100 гектардан зиёд ердаги ғўзанинг ўсув нуқталарини пайҳон қилди. Бошқа экинлар, мевачевалар ҳам жиддий зарарланди...

— Қўшнилар бошига тушган фожиа бизни ҳам четлаб ўтмади. Бу кун бизга ҳам тушди, — дейди К. Маркс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ҳалимбой Мирзаев. — Олдинги ёғингарчиликлардан бунчалик озор топмагандик. 682 гектар майдондаги экин, шундан 372 гектар ердаги ғўзага шикаст етди. 66 гектар ердаги ғўза қатор ораларини сел ювди. Кўпгина ариқ-зовурлар ишдан чиқди. Мева-чеванинг ярмидан кўпи тўкилиб кетди...

— Рўзимат ака таъкидлаганидек, табиатдан тўртинчи бор жабр кўришимиз, — дея суҳбатга қўшилди Охунбобоев номли колхоз раиси Ёқубжон Мирзаахмедов. — Кейингиси айниқса оғир келди. Сувнинг бостириб кириши бизни бироз шошириб қўйди. Шошилинч тадбирлар кўришимизга қарамай сел ўз ишини қилди. Битта сигир нобуд бўлди. 15 боши жароҳатланди. 330 тонна сенаж лойқа тагида қолди.

...Табиий офат оқибатларини бартараф этиш штаби бошлиғи, район ижроия қўмитасининг раиси Шуҳратжон Носиров райондаги умумий аҳвол ва олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Унинг таъкидлашича, 357 та хонадон селдан шикастланган. 12 та уй вайрон бўлган. Воқеа содир бўлган куннинг эртасигаёқ 10 та вагон-уй келтирилган.

Жойларда савдо, медицина, алоқа хизматини яхшилаш чоралари кўрилаётир. Озиқ-овқат ўз вақтида етказиб берилаяпти. Айни кунларда 10 нафар шифокор, 50 нафар ўрта тиббиёт ходими касалликлар олдини олиш тадбирларини кўришаяпти.

Табиий офат оқибатларини тугатиш комиссияси ахборотидан: жала ва селдан тахминан 3 минг 350 гектар ердаги ғўза зарарланган. Катта майдонлардаги сабзавот, полиз, бошоқли ва озуқа экинлари пайҳон бўлган, мева-чевага жиддий зарар етган. Ҳозирча аниқланган зарар 1 миллион 58 минг сўмдан ошиб тушаяпти. Тахлиллар давом этмоқда.

Миндондан қайтар эканмиз, ёмғир ёғаётганига қарамай, даласини тарк этмаган, ғўза ва бошқа экинлар атрофида парвона бўлаётган деҳқонларни, тўкилган мевани увол бўлмасин деб терib олаётган боғбонларни кўрдик. Улар иродасига, шижоатига офаринлар айтдик. Ана шундай кишилар бор жойда талафотлар ўрни қопланишига ишонгимиз келади.

И. АШУРОВ,
«Коммуна» мухбири.
А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай, тез кунда ўриб-янчиб оламиз! Бекобод районидаги Ойбек номли давлат хўжалиги ғаллакорларининг аҳди ана шундай. Айни кунларда совхоз ғаллазорларида ўрим авжида. Иш ўзаро мусобақа асосида ташкил этилгани суръатга суръат қўшаётир. Бунда комбайнчи Қорабек Бойтереков пешқадам. У кунига 7—8 гектар майдондаги ғаллани ўриб олишга эришаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор комбайнчи Қ. Бойтереков. 2. Дон машинага юкланаётган пайт.

Б. САФАРОВ олган суратлар.

ТАДБИРКОР ДАЛАСИДА

Рўзибой Холлиев — тадбиркор, тажрибали деҳқон. Ҳар йили ерга чигит қадаб, ғўза парваришлайди. Беда етиштириб, чорва моллари учун озуқа тайёрлайди. Сабзавот ва полиз экинлари экиб, эл дастурхонига кўплаб сархил мевалар етказиб беради. У саркорлик қилаётган жамоа пудратга ўтиб, алмашлаб экишни йўлга қўйди. Натижада бир даладан йилига икки-уч марта мўл, сифатли ҳосил олинмоқда.

Яқинда бригада аъзоларининг ишлари билан танишиш мақсадида Ульянов районидаги «Партия ХХ съезди» давлат хўжалигининг «Ленинизм» деҳқончилик участкасида бўлдик. Жамоанинг экин майдонлари Кийикчининг офтобрўя томонида жойлашган. Бу ернинг тупроғи серунум. Картошка ва сабзавот экинлари меҳр билан парвариш қилинаётир. Механизатор Прим Чорнев культиватор билан жўякларни сифатли юмшатмоқда. 4 гектар майдондаги картошка шу пайтгача тўрт марта суғорилиб, уч марта ишловдан чиқарилди. Сабзавотчилар эрта-индин янги ҳосилни йиғиштириб олишга киришадилар. Марра юксак: режадаги 40 тонна ўрнига 60 тонна маҳсулот етиштириш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда 57 гектар ердаги беда парваришига ҳам катта эътибор берилаётир. Ҳозиргача икки марта ўриб олинди. Яна тўрт ўрим кўзланмоқда. Шу мақсадда бедазорлар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилиб, обиҳаётга қондирилмоқда. Мақсад — гектар ҳисобига 200 центнердан пичан етиштириш.

Бундан ташқари жамоа эрта баҳорда 5 гектарга қовун ва тарвуз уруғини қадаганди. Бу йил гектаридан 150 центнердан маҳсулот олиш, тайёрлов идораларига 100 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Режадан ортиқчаси ишчиларга бепул тарқатилади. Шу кунларда экинларни озиқлантириш, чопиқ қилиш ишларида Р. Дўстов, Ф. Холлиев, С. Очилова, Т. Очилова кабилар фаоллик кўрсатишмоқда.

Ж. ЮСУПОВ.

ТИЖОРАТ — ЖУРЪАТ

Тўрт кундирки, жумҳуриятимиз пойтахтида «Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви» давом этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси раиси, жумҳурият Тадбиркорлар уюшмасининг президенти Эркин Нормотович ХЎЖАЕВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Сирасини айтганда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик биз, ўзбеклар учун янгилик эмас. Бу борадаги анъаналарнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ипак йўлида жойлашган ўлкамизда савдо-сотиқни ривожлантириш учун қулай имконият мавжуд эди. Мол ортган карвонлар у ёқдан-буёққа ўтиб турган. Ҳозиргидек жуғрофий чегараланиш бўлмаган. Халқимизга хос тантилик, меҳмоннавозлик ҳамда бағри кенглик хориж билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга кенг йўл очганини яхши биламиз.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан жумҳуриятимизда мустақил иқтисодий сиёсат юритиш учун шароит вужудга келди. Бинобарин, тарихга тош отишни бас қилиб эзгу, қадимий анъаналарни тиклаш ҳақида ўйлашимиз лозим. Халқ, Ватан, келажак олдидаги бурчимиз шуни тақозо этади. Эндиликда қуруқ сиёсатдонликнинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Хориж билан алоқаларни мустаҳкамлаш иқтисодий танглликни бартараф этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни барқарорлашда шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Тошкент учрашувини ўтказишдан асосий мақсад ҳам шу.

Яқинда тадбиркорларнинг I съезди бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорлар ғоят муҳим ва долзарблиги билан диққатга сазовор. Чет эллик ишбилармонлар, бизнесменлар тажрибасини ўрганиш, улар билан яқин алоқа боғлаш биз учун ҳаётий заруратга айланганидан кўз юмиб бўлмайди. Жаҳон бозорига чиқиш — Ўзбекистоннинг қайта қуриш давридаги сиёсий йўли ана шундан иборат. Эндиликда ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Илгари буни тасаввур қилиш қийин эди. Ҳукумат жумҳурият ҳудудида чет эл капитали ҳамда инвестициясига ҳеч қандай зарар етказилмаслигига давлат кафолатини бераяпти.

Ҳозир замон ҳам, талаб ҳам бошқа. Турмушнинг ўзи воқеликка соғлом тафаккур назари билан қарашни тақозо этаяпти. Халқимиз азалдан бир тантиликка ўн тантилик билан жавоб бериб келган. Тўғри, жамиятимизда иқтисодий вазият оғир. Шундай бўлса-да, биз ҳеч кимдан мурувват ёки моддий ёрдам сўраётганимиз йўқ. Балки тўла ишончга асосланган ҳамкорлик тарафдоримиз. Бўлажак шерикларимиз мана шу ҳақиқатни англаб олишларини истардик.

Хорижлик ишбилармонлар билан алоқа боғлаш, тижорат ва савдо-сотиқни йўлга қўйишда уюшмамиз зиммасига катта масъулият юклатилган. Биз улар билан биргаликда қўшма ёки хусусий корхоналар очиш, зарур бўлган ҳуқуқий ва амалий ёрдамни кўрсатиш, суғурта ташкилотларини тузиш учун доим тайёрмиз. Ҳукумат мададига таянган ҳолда хориждаги банклар билан шерикчилик қилиш ва шу орқали молиявий операцияларни амалга ошириш борасида барча имкониятлар яратилади. Бунинг учун шерикларимизни розилиги ва кўмаги зарур, албатта. Улар билан ҳамкорликда тажриба мактаблари очиш, бозор иқтисодиёти руҳига мос, етук бизнесменлар тайёрлашни ҳам кўзда тутаяпмиз. Эртанги кунимиз ана шу кадрлар қўлида бўлиши муқаррар.

Чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қандай самара беришини келажак кўрсатади. Ҳозирча бир нарса аниқ: заҳматкаш, меҳмондўст халқимиз бу анжуманга катта умид боғлаган. Биз ўз сўзимизни айтдик, энди навбат хорижлик ишбилармонларга. Таёқ суқса кўкарадиган серқуёш диёримизнинг марҳамати кенг, ер усти ва ер ости бойликлари бисёр. Улардан ўз ўрнида, расамади билан, тенг ҳуқуқли келишув асосида фойдаланиш чоралари кўрилиши лозим. Узаро ҳамкорлигимиз ана шундагина ҳар икки томон учун наф келтиради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони

ДИНИЙ БАЙРАМ «ҚУРБОН ҲАЙИТ»НИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Мусулмонларнинг кўплаб истак ва хоҳишларини қондириш ва ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтириш мақсадида «Қурбон ҳайит» («Ийд ал-адҳа»)ни бу йил 22 июнь куни ва кейинги йилларда эса «Қурбон ҳайит»нинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Андижон вилоят партия ташкилотида Ўзбекистон Компартияси Уставининг партия ички демократиясини ривожлантириш ва коммунистлар онгли интизомини мустаҳкамлашга доир талабларни бажарилишини текшириш якунлари кўриб чиқилди.

Вилоят партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, 132 та бошланғич ташкилот ишини ўрганиш, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларига социологик саволлар бериш ва коммунистлар билан суҳбатлар ўтказиш шуни кўрсатдики, вилоят партия ташкилотида раҳбарликнинг шакллари ва усулларини янгилашга, коллегиалликни қарор топтиришга, партия ички демократиясини ривожлантиришга қаратилган муайян йўл ўтказилмоқда. Партия ташкилотларининг ижро этувчи ва назорат қилувчи органлари, партия комитетларининг доимий комиссиялари коммунистларнинг фикри ҳисобга олиниб, муқобиллик асосида тузилди. Сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг роли ошди, уларнинг иштирокида пленумларга ва бюро мажлисларига материаллар тайёрланмоқда, социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда, партия ташкилотларининг, коммунист раҳбарларнинг амалий ишлари ўрганилмоқда. Коллегиал органлар кўриб чиқиши учун киритилаётган масалалар олдиндан партия ташкилотларида муҳокама қилинмоқда, партия комитетларининг кўчма мажлисларини ўтказиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Вилоят ва район газеталарининг саҳифаларида партия комитетларининг, назорат комиссияларининг, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги материаллар мунтазам эълон қилинмоқда. Бу коммунистлар фаоллигини ҳамда меҳнат жамоалари иши учун масъулиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Истиқомат жойларида таъсирни кучайтириш ва аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаш учун 30 та ҳудудий партия ташкилоти тузилди, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг 26 та ҳудудий-тармоқ кенгашлари тузилди, халқ таълими муассасаларида бирлашган партия ташкилотлари барпо этилди. Совет ва хўжалик идоралари раҳбар коммунистларини тайинлаш ва ўзгартириш, партия комитетлари аппарати кадрларини тайинлаш чоғида ошкоралик кўпроқ бўлиб қолди, бунда бошланғич партия ташкилотларининг ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат жамоалари ўзини ўзи бошқариш органларининг фикри ҳар томонлама ҳисобга олинмоқда.

Партия комитетлари юқори партия ва давлат идораларининг вазиятни барқарорлаштиришга, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга ва хўжалик воситаларини қайта қуришга, партия сафларини жипслаштиришга, белгиланган дастурлар амалга оширилиши учун коммунист раҳбарлар масъулиятини оширишга қаратилган қарорларини, Ўзбекистон ССР Президентининг шу хусусдаги фармонларини тушунтириш ва амалга оширишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди.

Сўнгги йилдагина корхоналарнинг кичик цехлари ва филиалларини ташкил этиш натижасида 19 минг киши ишга жойлаштирилди, 400 километрдан ортиқ газ қувури ва 260 километр сув қувури шохобчалари барпо этилди, 311 минг оила ер участкалари олди. Кам таъминланган фуқароларнинг, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг, кўп болали оилалар ва пенсионерларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир вақтда Марказий назорат комиссиясининг раёсати Андижон вилоят партия ташкилоти коммунист раҳбарларининг эътиборини Ўзбекистон Компартияси ХХII съездида ўртага қўйилган ғоявий муштараклик, онгли партия интизоми, партиявий ўртоқлик негизида ҳаракат қилувчи ўзини ўзи бошқаруви снёсий ташкилот сифатида партия тўғрисидаги қоидаларни амалга оширишда шаҳар ва район партия комитетлари фаолиятининг шакллари ва усулларини қайта қуришдаги сусткашликка қаратди.

Ўзбекистон Компартияси Уставида, КПССнинг сўнгги меъёрий-методик ҳужжатларида бошланғич партия ташкилотларининг ўз ички партиявий фаолиятини қуришдаги аниқ ҳуқуқлари белгилаб берилганига қарамай, уларнинг кўплари сайлаб қўйиладиган органлар ва партия комитетларининг аппарати аниқ-равшан ёрдам бермаётганлиги сабабли бу ҳуқуқлардан фойдаланмаётирлар, коммунистларнинг фаоллигини ошириш ва ташаббускорлигини ривожлантиришнинг, партия сафларида уюшқоқликни, интизом ва масъулиятни таъминлашнинг демократик воситалари тўла ишга солинмаган. Ҳозирги вақтда халқ кундалик турмушининг энг ўткир масалалари ҳал қилинаётган меҳнат жамоаларида, Советларда коммунистларнинг овози баъзан баралла эшитилмаяпти. Тенгширилган партия ташкилотларининг кўпчилигида ўз шароитига мослаштирилган ҳаракат дастури йўқ, партия комитетлари ва бюроларининг йиғилишларида, мажлисларида ҳамиша ҳам долзарб муаммолар кўтариб чиқилмайди, коммунист раҳбарларнинг ҳисоботларида уларнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдаги, меҳнат шароитини яхшилашдаги, снёсий-тарбиявий ишлардаги иштироки масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳамияти камайтириб юборилганлиги, партия аъзолари билан якка тартибда ишлашнинг бўшаштириб юборилганлиги партия ички демократиясини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Кўпгина партия ташкилотларида коммунистларнинг мулоҳазалари ва таклифлари ҳисобга олиб борилмайди, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида улар хабардор қилинмайди. Оддий партия аъзоларининг фикрини менсимаслик, КПССга мухолиф кучларнинг, популизм, диний кайфиятларнинг ғоялари ва шиорларининг тарқатилиши қисми орасида саросима ва лоқайдликни келтириб чиқарди, партиявий интизомнинг бўшашиб кетишига ва Устав меъёрларининг бузилишига, шу жумладан аъзолик бадалларини тўлашда партиявий интизомнинг бузилишига олиб келди. Бироқ, Устав талабларидан, ижтимоий ахлоқ меъерларидан чекинишнинг ана шу ва бошқа фактларига ўз вақтида баҳо берилмаяпти.

Текширш ўтказилган партия ташкилотларининг кўпчилиги ўзларига бериб қўйилган партияга қабул қилиш масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқларидан фойдалана олмаётирлар, партия комитетлари ҳам бу ишнинг снёсий аҳамиятини камситмоқда. Бир қанча районлар ва шаҳарларда бошланғич ташкилотларнинг 30 фоиздан 70 фоизгача қисми янги кучлар билан тўлдирилмаганлиги тасодиф эмас.

Сўраб билиш ва коммунистлар билан суҳбатлар шуни кўрсатдики, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш дастурини ишлаб чиқмаганлар. Фаоллар ўқуви расмиятчилик билан олиб борилмоқда, энг яхши тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришга, жонли мулоқотга, ижодий баҳсларга, аниқ вазиятларни партия етакчилари билан биргаликда таҳлил этишга эътибор берилмаяпти. Ҳозирча котиблар кенгашлари фақат кундалик масалалар билан шуғулланмоқда, партия комитетларининг кўпгина комиссиялари ҳеч қандай иш қилмаяпти, улар партия ташкилотларининг ҳақиқий ёрдамчиларига айланмаган. Сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари жойларда камдан-кам бўладилар, ўз иши ҳақида ҳисобот ва ахборот билан камдан-кам чиқадилар ўз навбатида уларни партия комитетлари таркибига тавсия қилган партия ташкилотлари ҳам ҳисобот талаб қилмаётир.

Шундай қилиб, Уставда кўзда тутилган ҳокимиятни юқоридан қўйига, коммунистларнинг ўзларига қайтариш, коммунистлар томонидан сайлаб қўйилган идоралар фаолиятини назорат қилиш вазифалари суст амалга оширилмоқда, деб таъкидланди Марказий назорат комиссиясининг раёсатида. Назорат комиссиялари уставнинг янги талабларини, демократиялаш ва ошкоралик қоидаларини партия ички турмушига жорий этиш тўғрисида катта ғамхўрлик қилишлари лозим, бироқ уларнинг кўпчилиги ана шу муаммолардан ўзини четга олмоқда, бошланғич партия ташкилотларида эса назорат комиссиялари ҳали тузилмаган.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати назорат гуруҳининг ушбу масалага доир хати вилоят партия комитети бюроси билан назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида кўриб чиқилганини маълумот учун қабул қилди. Доимий комиссияларнинг, ижтимоий-сиёсий марказларнинг ҳамда вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари бўлимларининг ролини оширишга, ташкилотчилик ишларини кучайтиришга, бошланғич партия ташкилотларининг устав талабларини амалда таъминлашга доир фаолиятини кучайтиришга қаратилган тадбирлар тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида коммунистларнинг шикоят аризалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг навбатдаги пленумига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

БОЗОР ШАРОИТИДА МЕВА-ЧЕВА МУАММОСИ

«Узплодоовошчвинпром» концерни раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати
А. Х. ТОШКЕНБОЕВ билан мулоқот

— Алишер Холмуродович, янги концерн тузишдан мақсад нима? Аввало шу ҳақда тўхталсангиз. Илгари тармоқдаги аҳвол қандай эди? Эндиликда нималарни умид қилиш мумкин?

— Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаришда жумҳуриятимиз деҳқончилик-саноат мажмуининг етакчи соҳаларидан бири — мева-сабзавот тармоғини жадал ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Ота-боболаримиз етиштирган ширин-шакар мевалари, узумлари, қовун-тарвузлари, турли-туман сабзавот маҳсулотлари билан азалдан танилиб келишган. Айниқса, кишмиш-майизларимизнинг, туршак-қоқиларимизнинг дунёда тенги йўқ. Бир вақтлар республикамиз жуда сифатли мусалласларни, мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқарган.

Лекин 1984 йилдан кейинги даврда деҳқончилик-саноат мажмуига раҳбарликни такомиллаштириш, айниқса ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини амалга ошириш даврида узумчилик, мева-сабзавотчиликдаги аҳвол оғирлашди, ишлаб чиқаришда ихтисослаштириш ишлари, маҳсулот етиштириш ҳажмлари сусайди. Ўнлаб ихтисослашган жамоа ва давлат хўжаликлари бошқа соҳаларга, хусусан пахта етиштирувчи хўжаликларга қўшиб юборилди. Катта майдонларда винобоп токзорлар қўпориб ташланди, узумни қайта ишлаш корхоналарида талай қувватлар тўхтатиб қўйилди. Виночилик саноати учун зарур бўлган спирт ишлаб чиқариш қувватларининг ҳам бир қисми ёпиб ташланди. Янги боғ ва токзорларни барпо этиш, парваришлаб ҳосилга киритиш учун ажратиладиган маблағлар камайтирилиб юборилди. Иссиқхоналарни қайта тиклаш, уларнинг майдонларини кенгайтириш ишлари суст олиб борилди. Натижада миришкорларимиз ўз меҳнатлари якунларидан яхши манфаатдор бўлмадилар. Соҳага раҳбарлик эса эгасиз бўлиб қолди. Чунки 1985 йилда жумҳурият Мева-сабзавотчилик вазирлиги тугатилгандан сўнг бу соҳа аввалига Агросаноат давлат комитетида ҳуқуқсиз бош бошқарма, кейин эса саноқли қайта ишлаш корхоналарини ўз ичига олган бирлашмага айлантирилди. Бу тармоққа ягона раҳбарликни амалга оширишга, унинг равнақини таъминлашга имкон бермади.

Ўзбекистон ССР Президентининг ташаббуси туфайли, бу соҳа қайта тикланди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узплодоовошчвинпром» — мева-сабзавот ва узумчилик давлат-ширкат концерни тузилди. Унга мева-сабзавотчиликка, узумчиликка ихтисослашган барча жамоа ва давлат хўжаликлари, тармоққа хизмат қилувчи, таъминот, лойиҳалаш, қурилиш, автотранспорт корхоналари ва ташкилотлари олиб берилди. Жойларда соҳага раҳбарликни бажарувчи вилоят бирлашмалари қайтадан тикланди ва концернимиз ихтиёрига ўтказилди. Эндиликда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қайта ишлаш тўла тугалланган жараёнга эга бўлди. Бошқача айтганда, муҳим тармоқ ягона ташкилотга бирлаштирилди. Бундан боғбону соҳибкор, полизчию сабзавоткор, қайта ишлаш ходими беҳад мамнун.

Эндиги вазифа зиммадаги юксак ишончни оқлаш, катта вазифаларни амалга ошириш, соҳа равнақини таъминлаш, халқимиз дастурхонини ноз-неъматлар билан тўкин қилишдан иборат.

Концернимиз ташкил этилгандан буён уч ой ўтди. Ихтиёримизга берилган хўжаликлар, корхона ва ташкилотларни қабул қилиб олиш тамомланди, уларнинг 1991 йил режалари умумлаштирилди, мавжуд муаммолар аниқланиб, ҳал қилиш тадбирлари белгиланди.

— Ташкилот тузилгандан бери қандай ишлар амалга оширилди? Кўп гап бўлаяпти-ю, негадир силжиш кўзга ташланмаяпти?

— Барча хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар олдиндан иш юритиб келмоқдалар. Ташкилотимиз даставвал уларнинг фаолиятларини бир-бирига боғлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қайта ишлаш жараёнларида ўзаро узвийликни таъминлаши керак. Бу борада маълум тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аввало давлат ва жамоа хўжаликлари, тайёрлов ва савдо ташкилотлари, консерва ва вино заводлари, сабзавот ва узум қуритишга ихтисослашган саноат ҳамда соҳага хизмат қилувчи корхоналар жойларда вилоят «Плодоовошчвинпром» бирлашмаларига берилди. Тайёрлов ташкилотларимиз давлат ва жамоа хўжаликлари билан 1991 йил ҳосилидан маҳсулотларни харид этиш учун контрактация шартномаларини тузишди, Москва шаҳрида бўлиб ўтган жумҳуриятлараро улгуржи ярмаркаларда эса сабзавот ва меваларни Иттифоқ саноат марказларига сотиш шартномаларини манфаатдорлик асосида ишлаб чиқдилар.

Бу йил хўжаликларнинг ўзлари белгилаган режаларга биноан помидор, пиёз, бодринг, сабзи, бақлажон, булғор қалампири, қовун-тарвуз ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп майдонларга жойлаштирилди. Лекин ҳали йиллик режалар ҳамма ерда ҳам тамомланмади. Қорақалпоғистонда, Бухоро, Хоразм, Наманган, Фарғона вилоятларида савзавот экинларини, айниқса помидор экиш суст олиб борилмоқда. Халқимизни картошка билан таъминлашда катта муаммолар борлигига қарамасдан Қорақалпоғистонда, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида уни экиш йиллик режалари атиги 47—61 фоиз бажарилди, холос. Кечки картошка экиш вақти яқинлашмоқда, лекин кўпгина хўжаликлар бунинг учун керакли миқдорда уруғлик жамғармаганлар. Ҳали ҳам вақт бор, уни бой бермаслик лозим. Бундай картошкани Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи жумҳуриятларидан келтириш тадбирлари кўрилаяпти. Россиядан бу йил 320 минг тонна картошка олишимиз керак. Лекин эндигина 166,5 минг тоннага шартномалар тузилди. Айниқса, Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари «Плодоовошчвинпром» бирлашмалари, Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси Россиядан қишга сақланадиган картошка олиб келиш учун оз шартномалар тузганлар. Муҳим ишга лоқайдлик билан қараш мумкин эмас. Жумҳуриятимизга картошка жўнатиши лозим бўлган ташкилотлар билан дарҳол тегишли алоқаларни боғлаб, битимлар тузишни туталлаш зарур. Бу ўринда мева, сабзавот маҳсулотларимизни озуқа ва уруғлик картошкага айирбошлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Май ойидаги табиий офатлар боғ ва токзорлар ҳосилига ёмон таъсир етказди. Мева ва узум миқдори ўтган йилдагига нисбатан кам бўлиши хавфи бор. Бунга йўл қўймаслик учун боғ ва токзорларга, айниқса ҳосилга кирган майдонларда қўшимча парваришни, қатор ораларини ҳайдаш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғоришни ташкил этиш керак. Узумзорларда хомтокни вақтида ўтказишни таъминлаш зарур. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш чораларини сифатли ўтказиб, жами ҳосилни сақлаб қолиш муҳимдир. Тўкилган меваларни чиритмасдан, иложи бўлса териб олиб, қайта ишлашга йўллаш даркор.

Ҳосил ғарқ пишадиган палла яқинлашмоқда. Тошкент шаҳрида, бошқа шаҳарлар ва районларда, аҳоли яшайдиган ўзга масканларда мева-сабзавот сотишни кенг йўлга қўйиш, дўконлар, ярмаркалар пештахталарида турли-туман, сифатли маҳсулотлар бўлишини таъминлаш зарур.

— Қишлоқ хўжалигининг бир неча тармоғини битта концернга бирлаштириш тўғрими?

— Жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуида мева-сабзавотчилик катта соҳадир. Тармоқ маҳсулотлари жуда нозик, бироз туриб қолса буришади, қурийди, хуллас, нес-нобуд бўлади. Бу соҳада ўртада воситачи ташкилот туриши ишни мушкуллаштиради, кераксиз харажатларга, сансалорликка олиб келади. Албатта, концернимизга қарашли давлат ва жамоа хўжаликларида деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари, чорвачилик ҳам бор. Алмашлаб экиш дон, беда ва бошқа озуқа экинлари экишни талаб қилади. Шундай экан чорвачилик бўлиши табиий.

— Чет элларда ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари консервасига ҳамма жойда, жумладан бизда ҳам эҳтиёж катта. Венгриянинг «Глобус» фирмаси ана шундай харидоргир маҳсулотлари билан машҳур. Нега ўзимизда ишни шу даражага кўтариш мумкин эмас?

— Ўзбекистонимизнинг консерва корхоналарида кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинди. Шунга қарамай, уларнинг технологик ва техникавий аҳволи замонавий талабга жавоб бермаяпти. Бунинг сабаблари кўп: иттифоқимизда ишлаб чиқарилаётган ускуналар жаҳон талаби даражасида эмас, хориждан бундай ускуналарни олиш учун маблағ етишмайди. Заводлар олаётган хом ашёларнинг баъзида сифати пастлиги, харидоргир консервалар учун мева-сабзавот етишмаслиги, технологик интизом сустлиги ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Концернимизнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам ана шу қийинчиликларни ҳал этишдир. Аввало ҳар бир консерва заводи ўзининг хом ашё минтақасига эга бўлмоғи керак ва ўша ердаги хўжаликлар керакли маҳсулотларни шартномалар асосида етиштирмоғи лозим. Маҳсулот сифатига қараб ҳақ тўлашни жорий этиш зарур. Келишилган баҳода қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ишлаб чиқарилаётган консерва маҳсулотлари сифатига ва турларини кўпайтиришга хайрли таъсир қилади.

Жумҳуриятимиздаги айрим корхоналар, «Плодоовошчвинпром» вилоят бирлашмаларининг раҳбарияти хорижий мамлакатлар билан биргаликда консерва ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш тадбирларини режалаштирганлар. Алмашув йўли билан чет давлатлардан замонавий техника олиниши кўзда тутилган. Бундай ускуналар Фарғона, Андижон, Бухоро, Тошкент ва бошқа вилоятлардаги консерва заводларида ўрнатилади.

Бизда тайёрланаётган консерваларнинг аксарияти ўзининг тотими билан ажралиб туради. Унга эҳтиёж жуда катта. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган консерваларнинг учдан икки қисми республикамиздан ташқарига сотилмоқда. Лекин унинг ташқи кўриниши, биз ишлатаётган темир қопқоқли шиша банка, тамға белгиларининг сифати паст. Шуни ҳисобга олиб, яқин йилларда бу аҳволни яхшилаш режалари тузилган. Ўйлаймизки, яқин келажакда маҳсулотларимиз жаҳон талаби даражасига чиқади.

— 1985 йил май ойидаги алкоголизмга қарши кураш ҳақидаги қарор узумчиликни издан чиқарди. Кўплаб серҳосил, хўраки навли токзорлар қўпориб, бузиб ташланди. Ҳозир виночиликни илгари ҳолатга тенглаштириш учун қандай ишлар қилинаяпти?

— Ҳақиқатан ичкиликбозликка қарши чиқарилган шиор узумчилик ва виночиликка ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Жумҳуриятимизда ҳам узумчилик ва виночилик билан шуғулланган хўжаликлар моддий зиён кўрдилар. Бундан ташқари вино заводларидаги технологик ускуналар бекор туриб қолди, мутахассисларни иш билан таъминлаш даражаси пасайди. Оқибатда бу корхоналар ўз фаолиятларини катта зарар билан якунладилар.

Узумчиликка ихтисослашган давлат ва жамоа хўжаликларида винобоп навлар қўпориб ташланди, узум етиштириш, унинг ҳосилдорлиги камайди. Эндиликда номи дунёга машҳур бўлган винолар тайёрлаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолдик. Сифатли вино учун керакли узум навлари: «Алеатико», «Каберне», «Буаки», «Морастел», «Вассарга», «Бишти», «Юмалоқ» ва бошқалар саноқли хўжаликларда қолди.

Шуни ҳисобга олиб, концерн мутахассислари, хўжаликларнинг раҳбарлари бу ишларни аввалги даражага етказиш устида бош қотирмоқдалар. Яқин 3—4 йил ичида винобоп узум навларини экиш ва кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналари қувватини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш чоралари белгиланган.

Шу билан бирга вино сифатини жаҳон бозори талаби даражасига чиқариш ва уни хорижий мамлакатларга сотиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу вазифани амалга ошириш учун Американинг АРМ фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ўзаро шартномага мувофиқ тармоқ эҳтиёжи учун 100 миллион америка долларига жаҳон талабига мос келадиган технологик ва техник ускуналар олинади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, донғи оламга машҳур шаробларни тиклаш борасида бу соҳага ихтисослашган совхоз-заводларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга сазовордир. Тошкент вилоятидаги «Огонёк» ва «Паркент», Бухоро вилоятидаги «Галаосиё», Қашқадарё вилоятидаги «Китоб» совхоз-заводлари шулар жумласидан. Яқин 2—3 йил ичида бир неча янги турдаги шароблар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилади. Шу йилнинг охиригача ўзимизда такомиллашган технология асосида тайёрланган янги ароқ ва коньяк навлари ҳам савдога чиқарилади. Хуллас, тармоқ олдида жуда катта вазифалар турибди. Уларни бажариш тадбирлари кўрилмоқда.

— Бозор иқтисодиётига ўтилди. Сабзавот маҳсулотлари харид нархи амалдаги йилдан ошади, деган гап-сўзлар қулоққа чалинаяпти. Мева ва узумнинг давлат харид баҳоси кўтарилганлиги сезилмаяпти. Шу ҳақда фикрингиз қандай?

— Жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси бу масалани кўриб чиқди ва 1991 йил 5 апрелдаги 89-қарори билан мева-сабзавот маҳсулотларига келишилган харид баҳолари чекланган даражасини тасдиқлади. Бу баҳолар ўтган йилдагига нисбатан юқори бўлиб, техника, эҳтиёт қисмлар, мойлаш, ёнилғи ва бошқа моддий ресурсларга баҳоларнинг ошганлигидан келиб чиқадиган қўшимча харажатларни қоплаш имконини беради. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Москвада бўлиб ўтган жумҳуриятлараро улгуржи ярмаркаларда мамлакатимиз саноат марказларига мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш шартномаларини тузишда, харидор ташкилотларни танлашда, келишилган баҳоларни белгилашда биринчи марта эркинлик берилди. Натижада узоқ ўлкаларга сотиладиган аксарият маҳсулотларнинг баҳоси жумҳуриятимиз ичида ҳаракатдаги нархларга нисбатан 2—3 баробар, мева, узум ундан ҳам юқори бўлди. Шу билан бирга шартномаларда 31 фоиздан ортиқ миқдордаги мева-сабзавот маҳсулотларини моддий-техника ресурсларига алмаштириш ҳам белгилаб олинди. Албатта, булар катта ишнинг бошланиши. Биз ҳамма маҳсулотимизни шундай тартибда сотишга эришишимиз керак.

Суҳбатдош:
Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

МИНСК. Белоруссияда ташкил этилган янги комитет — жумҳурият давлат мулки комитети иқтисодиётнинг давлат секторида яқинлашиб келаётган ўзгаришларни мувофиқлаштириши лозим. Янги бошқарув идораси мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг жумҳурият дастурига мувофиқ тузилди, бу дастурда асосан мулкни хусусийлаштиришнинг стратегияси ва тактикаси баён қилиб берилган, эндиликда уларга аниқлик киритилмоқда. Автомобилларни созлаш ва маиший хизмат кўрсатиш ва савдода пулли шаклларга устунлик берилмоқда. Шу билан бир вақтда хусусийлаштириш лозим бўлган барча ишлаб чиқариш иморатлари ва машина-ускуналарининг ярмига яқинини бўлажак эгаларига бонлар ва бошқа қимматли қоғозлар тарзида текинга бериш вазифаси қўйилган.

* * *

ИВАНО-ФРАНКОВСК. Украина ССР Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан бу ерда Украина тоғ ўрмонлари илмий-тадқиқот илмгоҳи очилди. Янги илмий марказ «Ўрмон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Карпат филиали ва Закарпатье ўрмон тажриба станцияси негизида ташкил этилди. Унинг вазифаси биология, иқтисодиёт ва экология нуқтаи назаридан тоғ ўрмонларини ўрганишдан, ўрмончилар, экологлар, ишлаб чиқариш ходимлари учун тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

* * *

БАРНАУЛ. Олтой кокс-химия заводи жамоаси қийин шароитда ишламоқда. Унинг омборлари деярли бўш: 50 минг тонна кокслаш учун кўмир етишмаяпти. Кузбассдаги кўмир етказиб берувчилар панд беришмоқда. Шу сабабли кокс химияси ходимлари тиғиз шароитда ишлашга мажбур бўлаяпти. Бу эса кўпинча технология бузилишига олиб боради, пировард маҳсулот сифатини пасайтиради.

* * *

ХМЕЛЬНИЦКИЙ. «Электронмаш» заводи «БИРИ-1» шахсий дозиметрлар ишлаб чиқара бошлади. Калит халқасига ўхшатиб тайёрланган бу кичик асбоб жойдаги радиация ҳолатини аниқлайди ва хавф бўлган тақдирда чироғи ёниб хабар қилади. Корхона йил охиригача 30 мингта дозиметр ишлаб чиқаради.

(ТАСС).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БЕРЛИН. Атлантика бўйи ҳамжамияти марказий ва шарқий Европа мамлакатларини, шу жумладан Совет Иттифоқини ўз ичига олиши лозим. Агар Михаил Горбачевнинг қайта қуриш сиёсати эркин жамият ва бозор муносабатларини барпо этишга қаратилган бўлса, Қўшма Штатлар бу сиёсатни аввалгидек қўллаб-қувватлайверади, деди АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер сешанба куни бу ерда. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг чоршанба куни очиладиган биринчи мажлисига келган Америка делегациясига бошчилик қилмоқда. У НАТОнинг СССР билан бевосита алоқа ўрнатиши кераклигини, иккала мамлакат ҳарбийларининг ҳарбий саноатни тинч соҳага ўтказишда чамбарчас ҳамкорлик қилишларини ёқлаб гапирди. Ж. Бейкер Совет Иттифоқи билан келгусидаги муносабатларни АҚШ ташқи сиёсатидаги устувор соҳалар жумласига қўшди. Унинг таъбири билан айтганда Россияда бўлиб ўтган Президент сайлови қитъа шарқидаги ўзгаришлар учун яхши асос яратди.

* * *

ГААГА. Дунёдаги сиёсий вазият тубдан ўзгариши муносабати билан ҳозирги вақтда ғарбий ва шарқий Европа ўртасидаги илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга янги омил бахш этиш, замонавий фан-техника лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун илмий имкониятлардан биргаликда кенгроқ фойдаланиш зарур. «Эврика» лойиҳасида қатнашувчи 18 мамлакатнинг сешанба куни бу ерда бўлиб ўтган халқаро конференциясида Нидерландия Бош вазири Рудольф Любберс билан Франция Президенти Франсуа Миттераннинг нутқларида шу фикр айтиб ўтилди. Мазкур анжуман Нидерландиянинг «Эврика»да раислик қилиш муддати тугашига, шунингдек мазкур халқаро ташкилотни ривожлантириш истиқболларини таҳлил этишга бағишланган эди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Компьютерлар ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг катта корпорация — «Интернэшнл бизнес машинз» (ИБМ) Совет Иттифоқида ўз бўлимини очганини эълон қилди. «ИБМ — СССР» номини олган янги фирма тўла-тўкис Америка корпорацияси бошқарувида бўлади. Корпорация вакилларининг айтишича, бу — Совет Иттифоқида ташкил этилган ва ажнабий сармояга 100 фоиз тегишли бўлган биринчи компаниядир.

ЖУМҲУРИЯТ БЎЙЛАБ

БОҒДА РЎЗНОМА КУНИ

Ғиждувон район «Октябрь байроғи» рўзномасининг биринчи сони чоп этилганига 60 йил тўлди. Район партия қўмитаси бюроси ўз органининг юбилейини янгича, давр руҳига мос нишонлаш учун тадбиркорлик билан иш юритди. Отахон «Правда» рўзномаси икки йилдан буён ташкил қилаётган фестиваллардан ибрат олиб, район марказидаги маданият ва истироҳат боғида халқ сайли ташкил қилинди. Бунда бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари, савдо ярмаркалари, кекса журналистлар билан учрашувлар, илғор матбаачиларни мукофотлаш тадбирлари уйғунлашиб кетди.

Истироҳат боғига ташриф буюрган ғиждувонликлар ва меҳмонлар ҳам намунали хордиқ чиқаришди, ҳам район рўзномасининг тарихи ва айни кундаги фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари Франциянинг «Кельнер» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Фарангистонлик саноатчилар бирлашма учун экология талабларига жавоб берувчи тўқимачилик заводи қуриб берадиган бўлишди. Завод ишга тушгач, бирлашмада тайёрланаётган сунъий нитрон толаси қайта ишланади. У жун ёки майин ипак толадан асло қолишмайдиган бўлади. Корхона ҳар йили бир миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Иттифоқ Вазирлар Маҳкамаси завод қурилиши учун бирлашмага олти миллион сўмлик валюта ажратди.

ВЕТЕРАН ТАШАББУСИ

Қўқон локомотив депоси жамоасининг ташаббуси билан жорий қилинаётган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тури яна биттага кўпайди. Мазкур жамоада аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб ва истакларини қондириш мақсадида мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳеч қандай янги дастгоҳ харид қилинмади. Мутахассис излашга ҳам ҳожат бўлмади. Дастгоҳ ҳам, ишчи ҳам депонинг ўзидан чиқди.

Ушбу жамоада меҳнат қилиб икки йил муқаддам пенсияга чиққан Владимир Лазерев мих тайёрловчи дастгоҳ ясади. У кунига 200—250 килограмм турли узунликдаги мих тайёрлаб бермоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулот аввало шу жамоада меҳнат қилаётганларга, сўнгра мазкур маҳсулотга эҳтиёжи бўлган қатор жамоаларга сотилмоқда. Маҳсулот сифати жиҳатидан бошқа мих заводларида ишлаб чиқарилганидан қолишмаяпти. Шунинг учун жамоада мих ишлаб чиқариш дастгоҳлари сонини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Иқтисодий ислоҳот оғир кечаётган ҳозирги шароитда Когон пахта тозалаш заводи маъмурияти меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда штат қисқариши туфайли ишдан бўшаган ишчиларни иш билан таъминлаш йўлини топдилар. Корхонада тикувчилик цехи барпо этилиб, унда халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Цех ишчилари кўрпа, ёстиқ жилдлари, халат, чойшаб, болалар тўшаги каби ўндан ортиқ кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқаришни яхши ўзлаштириб олдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, маҳсулотларнинг асосий қисми завод ишчиларига арзон нархларда сотилмоқда.

ҚУВУРЛАР ЗАНГЛАМАЙДИ

Қизилтепа район газлаштириш идораси жамоаси Ижевск шаҳридаги «Удмурднефтегазстрой» тресги билан яқин алоқа ўрнатди. Ана шу ҳамкорлик туфайли қардош удмурд мутахассислари райондаги «Ёш ленинчи», «Меҳнат-роҳат», Ленин номли колхозлар учун газ қувурларини чириш, занглашдан сақлайдиган бешта замонавий станция қуриб беришди. Натижада 17 километр масофадаги қувурлар умри узаядиган бўлди. Келгусида Қизилтепада ана шундай қувур тозалагич станцияларидан яна бештаси қурилади.

ЭЛГА МАНЗУР

Марғилондаги «Нурхон» халқ театрининг жамоаси Ёздон Худойқуловнинг «Севгини ардоқлаш керак» номли янги асарини ҳамшаҳарлари ҳукмига ҳавола қилишди. Спектаклни театр бош режиссёри Ҳотам Тешабоев саҳналаштирди. Асарда кундалик ҳаётимизда учраб турадиган таниш-билишлик, пораҳўрлик, ўз манфаати учун хизмат қилиш каби иллатлар ва уларга қарши кураш акс эттирилган. Спектакль давомида томошабин ҳақиқатнинг ноҳақлик устидан ғолиб чиқишига гувоҳ бўлади.

Турли касб эгаларидан ташкил топган халқ театри жамоаси репертуарини янада бойитиб, йил охиригача маҳаллий драматург Мутал Қодирнинг «Тергов давом этади» асарини ҳам саҳнага олиб чиқишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

ҚЎҚОНДА ДАЗМОЛ ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

Қўқон электр-машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республика, Иттифоқ миқёсида кўп жиҳатдан ўз мавқеига эга. Халқ истеъмоли молларидан электр вофельница (вофли тайёрлайдиган қолип), 3 турдаги электр пайвандлаш дастгоҳи, электр ушлагичлар Монголия, Кубада, Африка ва Европа мамлакатларида ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирда биз тобора ичкарилаб бораётган бозор иқтисодиёти, қолаверса халқ истеъмоли молларига сезилаётган тақчиллик ҳар бир инсондан тортиб завод, корхона раҳбарини ҳам уддабурон ва ишбилармон бўлишга ундамоқда.

Қўқон электр-машинасозлиги заводи директори Анвар Аббосов, бош муҳандис Одил Мелибоев, завод директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Ш. Соҳибназаров ҳалол меҳнати, тинимсиз изланишлари туфайли ғамхўр ва камтар жамоа раҳбарлари сифатида обрў топганлардан. Улар етакчилик қилаётган корхона яна бир янгиликка қўл урди. Ҳозирги пайтда сезиларли даражада тақчиллашиб бораётган дазмолнинг ғоят ихчам ва сифатли намунаси яратилди. Мирҳамид Йўлдошев бошчилигида Мухтор Акбаров ва Ким Сергейнинг ижодкорлиги туфайли яратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, бу маҳсулот Ўрта Осиё жумҳуриятлари ичида биринчи бор яратилиши бўлса, кам қувватли — 400 ваттлик, оғирлиги 800 грамм, ушлагич тезда йиғма бўлиши каби афзалликлари билан турдошларидан фарқ қилади. Дазмолнинг устки қатлами учун янги технологик усул қўлланилди. Унда бўёқ порошоги иссиқ ҳолатда пуркалади. Бу кимёвий усул мураккаб никель қоплашдан арзон ва афзалдир. Куни кеча Бутуниттифоқ тадқиқот бирлашмасининг Ўзбекистон бўлими шу маҳсулотни ишлаб чиқариши учун рухсатнома берди.

Завод маъмурияти дазмолни йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб савдога чиқаришни режалаштирмоқда.

С. ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: муҳандис Искандар Қосимов ва завод технология бўлими бошлиғининг ўринбосари Амир Солихов янги маҳсулотни кўздан кечиришаяпти.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

СИНГАПУР. (ТАСС мухбири Владимир Коваленко). «Тоғ-тоғ билан учрашмайди, лекин одам-одам билан учрашади» деган нақл бор. Сохта Швейцария соатлари билан савдо қиладиган Сингапур синдикатлари шу донo фикрга қулоқ солдилар.

Маҳаллий ҳукуматнинг ана шу жиноий бизнесга қарши кўрган чоралари Сингапурда савдо ҳажмининг камайишига олиб келди. Лекин синдикатлар ғоят фойдали бизнесдан воз кечишни истамай, ташқи бозорни мўлжалга олдилар.

Яқинда Сингапурнинг бош тижорат кўчаси Орчард Роуд районида сохта соатларни сотиш билан шуғулланадиган беш нафар сингапурлик «Швейцария» соатларини сотишга уринаётган пайтда Мельбурн шаҳрида Австралия полицияси томонидан ушланди, яна бештаси Брисбейнда қамоққа олинди. Ўз номини айтишни истамаган хусусий терговчининг маълум қилишича, Сингапурдаги сохта соатлар билан савдо қилувчи бешта асосий синдикатдан иккитаси хорижий бозорларни фаол ўзлаштиришга киришди.

●

ВАШИНГТОН. Россия Федерациясидаги Президент сайловида яқинда ғалаба қозонган РСФСР Олий Кенгашининг раиси Б. Н. Ельцин АҚШ конгресси раҳбариятининг таклифига биноан сешанба куни бу ерга амалий ташриф буюрди. Ташриф 21 июнгача давом этади. Б. Н. Ельцин шу вақт ичида АҚШ Президенти Ж. Буш, вице-президент Д. Куэйл билан, маъмуриятнинг бошқа намояндалари билан учрашади. У Америка конгресси иккала палатасининг раҳбарлари билан, касаба уюшмаларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг раҳбарлари, илм-фан намояндалари билан суҳбатлашади. Ташриф режасида Нью-Йоркка бориш кўзда тутилган. Бу ерда меҳмон Америка савдо-саноат ва молия доираларининг вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказади.

●

БРЮССЕЛЬ. Сешанба куни Люксембургда Европа ҳамжамиятлари Кенгашининг ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги сессияси ниҳоясига етди. Бу сессияда ўн икки давлат дипломатия маҳкамаларининг бошлиқлари 15 июль куни Бельгия пойтахтида Европа энергетика дастурий ҳужжатини тузиш тўғрисидаги музокаралар бошланади, деган бир битимга келдилар. Дастурий ҳужжат, жумладан, СССР ҳудудидаги нефть ва газ конларида илғор технологиядан фойдаланиш имкониятини бериши лозим. Вазирлар ўн икки давлатнинг сиёсий иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасига тайёрлашдаги силжишни таъкидлаш билан айни бир вақтда келгусида Европа ҳамжамиятини федерация тоифасидаги бирлашмага айлантириш масаласида жиддий ихтилофлар борлигини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

●

БУХАРЕСТ. Румыния пойтахтида мамлакат касаба уюшмалари миллий конфедерациялари иттифоқининг ташаббуси билан сешанба куни оммавий митинг ўтказилди. Митинг қатнашчилари Румыния Бош вазири Петре Роман ва бутун Вазирлар Маҳкамаси дарҳол истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Мазкур Иттифоққа нефть, кимё, металлургия ва целлюлоза-қоғоз саноати, шунингдек машинасозлик, автомобиль ва темир йўл транспорти баъзи корхоналари ишчилари касаба уюшмаларининг бешта миллий конфедерацияси киради. Унинг сафларида 3 миллиондан ортиқ киши бор.

ҲАМКОРУ МАДАДКОРМИЗ

ШИКОЯТ, ХАТ ВА МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР БЎЛИМИ ПОЧТАСИГА КЕЛГАН АРЗЛАРНИ ВА УЛАРГА ОЛИНГАН РАСМИЙ ЖАВОБЛАРНИ ЎҚИБ

Редакциямизга келаётган хатлар оқими бир зум бўлса-да тинмайди. Биридан келган хушхабар бизни мамнун этса, бошқасидан келган изтироб дилимизни хуфтон этади. Ўтган апрель ва май ойида қишлоқнинг дардлари, нолалари битилган хатлар сони кўпайди.

Ёшлар ўртасидаги ишсизлик, баъзи аёлларнинг аччиқ қисмати, айрим хўжалик маъмурларининг ноинсофлиги, қишлоқлардаги маданий ва маиший хизматнинг танг аҳволдалиги, қўйинг-чи жойларда не машаққат бўлса ҳаммаси хусусида гап бор. Уларнинг айримларини сизларга таништирсак:

Улуғ Ватан уруши фахрийси М. ҒАНИЕВ Олтиариқ район Қизилтепа қишлоқ Кенгашига қарашли «Қизилтепа» ҳамда «Белариқ» қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ ёшлар, қишлоқдаги муаммолар ечилмай келинаётганлигидан норози эканликлари ҳақида ёзганди.

Биз ушбу шикоятни адолатли ҳал этиш учун халқ депутатлари Олтиариқ район Кенгаши ижроия комитетига юборгандик. Яқинда унга **район ижроия комитетининг раис ўринбосари Т. ТОЖИЕВ** имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Ҳақиқатан ҳам Қизилтепа қишлоқ Кенгашига қарашли «Қизилтепа» ва «Белариқ» қишлоқларида шароит оғир. Бу ёшлар орасида норозилик туғдирмоқда. Шу боис вилоят ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимов бошчилигида вилоят, райондаги партия ва Кенгаш аъзолари, раҳбарлар иштирокида йиғилиш бўлиб, ҳал этилмай келинаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини тезлатиш ҳақида тадбирлар белгиланди. Ҳозир ўша тадбирлар асосида бир қатор ишлар ўз ечимини топди. Жумладан, Қизилтепа қишлоғида қурилиш материаллари магазини очилди, экин майдонларини суғориш учун Андижон каналидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Қишлоқларни газлаштирилмаган қисми лойиҳалаштирилмоқда, лойиҳаланган жойлар эса тўла газлаштирилди. Аҳолининг шахсий қорамоллари учун ем-хашак бериш масаласи ҳал этилди. Қишлоқ кўчалари ёритилди, хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиш пункти ташкил этилди...».

Юқоридаги жавобдан бироз бўлса-да, кўнглинг таскин топади. Дардкашларинг дардини енгиллатганингдан бирмунча фахрланасан, киши. Бироқ, аллақачон ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалар баъзи жойларда ҳамон пайсалга солинаётир.

Ховос районидан **меҳнат ва Улуғ Ватан уруши фахрийси М. ШОМИРОВ** рўзномамизга қуйидаги мазмунда шикоят хати йўллаган:

«Фарҳод» совхози марказидаги 1-ўрта мактабда ота-оналар йиғилиши бўлди. Йиғилишда айрим ўқитувчилар XI«а» ва XI«б» синфларда 35 нафардан, V-VI-VII синфларнинг ҳар бирида 38—39 нафардан ўқувчилар борлиги ҳақида куйиниб гапирдилар. Савол туғилади, агар бир фандан ҳафтасига икки соат дарс ўтиладиган бўлса, боладан сўраш учун унга қачон навбат келар экан? Ахир ислоҳот талабларида ҳам ҳар бир синфда 25 нафардан ортиқ ўқувчи бўлмаслиги таъкидланган. Бу масала бизда қачон ўз ечимини топади?».

Яқинда **район ижрокоми раисининг биринчи ўринбосари А. АБДУРАҲМОНОВ** имзоси билан жавоб олдик: **«Халқ депутатлари район Кенгаши ижроия комитети «Фарҳод» совхозида яшовчи ота-оналар номидан ёзилган шикоят хатни ўрганиб чиқди. Текширишда фактлар тўғрилиги исботланди. 1991—1992 ўқув йилининг дастлабки босқичидан мактабларнинг барча синфларида ўқувчилар сони 26—30 нафардан ошмаслигига амал қилинади. Ўтаётган ўқув йилида молиявий танқислик туфайли бу ишни амалга ошираолмадик...».**

Жавобга эътибор беринг-а? «Молиявий танқислик туфайли...». Наҳотки, район мутасаддилари келажак авлод тақдирига шунчалар бефарқ қарашса. Бугунги иқтисодий танглик палласида муаммоларни ечиш йўлларини қидириш ўрнига молиявий ночорлигимизни рўкач қилиш инсофдан эмас.

Шунингдек, рўзномамиз почтасига келаётган хатлар орасида хўжалик мутахассисларининг кўзбўямачилиги, инсофсизлиги ҳақида куйиниб ёзилганлари ҳам бор.

«Хўжалик раҳбарлари билан тузилган шартномада маҳсулотнинг 100 сўмига бериладиган иш ҳақи лимити 32,29 деб кўрсатилган. Шунингдек, шартномада агар звено материал-пул харажатларини тежаб сарфласа, шу тежалган суммани 70 фоизи мукофот тарзида унинг аъзоларига берилиши айтилган. Биз ҳам кўпчилик қатори 3,5 гектар ер олиб оиламиз билан ишладик. Шартнома бўйича совхозга 6.036 сўм фойда келтиришимиз керак эди. 6267 сўм соф фойда келтирдик. Қўл терими орқали 2 тонна пахта терилди. Бироқ шу терилган пахта учун берилган пул ҳам, ҳатто техника харажатларини ҳам биз оладиган 32,29 сўмдан ушлаб қолинди. Бундан ташқари минерал ўғитлар учун сарфланадиган 483 сўм пулни тежаб қолганлигимиз учун, шартномада кўрсатилган иқтисод қилинган фойдани 70 фоизи тўланмади», деб ёзади **Большевик район Дўстлик совхозидан Н. ҒАЙБУЛОВ.**

Мазкур шикоят хатни текшириб чора кўриш учун Большевик район халқ назорати комитетига юборган эдик. Яқинда **район халқ назорати комитети раиси С. ТОШМУРОДОВ** имзоси билан қуйидаги жавобни олдик: **«...Н. Ғайбулов йил якунига кўра режада кўрсатилган 7945 килограммдан 90 килограмм оз пахта етиштирган. Пул даромади эса 6036 сўм ўрнига 6267 сўм қилиб бажарилди. Иш ҳақи, қўшимча мукофот пуллари тўғри ҳисобланган. Лекин шартномада кўрсатилган материал-пул харажатлари иқтисод қилиниши ҳисобидан олиниши керак бўлган мукофот пули чиқарилмаган.**

Текшириш якуни 1991 йил 26 март куни район халқ назорати қўмитаси йиғилишида муҳокама қилиниб, материал-пул харажатларини оилавий звенолар бўйича юритишни ташкил этмаганлиги учун «Дўстлик» совхози бош бухгалтери Ч. Нормуродовга ҳайфсан берилди ва бу хатони такрорланмаслиги учун тадбирлар белгилаш хўжалик маъмуриятига топширилди...».

Шу каби шикоят хатларига олинган жавобларни ўқиганингда кўз олдингда саратоннинг жазирама иссиғида ором билмай, кетмон чопаётган, ғўзаларга сув тараётган бобо-деҳқон намоён бўлади. Айрим маҳаллий юлғичларнинг дастидан косаси оқармай келаётган бу инсонлар олдида ўзингни қарздор ҳис қиласан.

Шу мазмундаги шикоят хатлари редакциямиз почтасига ўнлаб, юзлаб келади. Биз текшириб чора кўриш учун юборган бу хатларга тегишли ташкилотларнинг имони бутун, адолатпарвар раҳбарлари ва ходимларидан муносиб жавоблар ҳам оламиз. Ёрдамга муҳтож кишиларнинг арзи-ҳолини бажонидил тинглаб, улардан беғараз ёрдамларини аямаган **Сирдарё вилоят халқ контроли комитети раиси Б. ДАУЛАНОВГА, халқ депутатлари Пастдарғом район Кенгаши ижроия комитетининг раиси Б. СУЛАЙМОНОВга Қашқадарё вилоят прокуратурасининг терговбўлими бошлиғи ўринбосари А. ҚАҲҲОРОВларга муштарийларимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.**

Бундай хат ва жавобларнинг ҳаммасига тўхталиб ўтиш имкони йўқ. Бироқ редакциямизга ҳақиқатни излаб мактуб йўллаган ҳамма мухлисларимизнинг дардига шерик бўлиб, қувончига-қувонч қўшмоқ бизга қарз ва фарз.

Фарҳод АЛИМОВ,
шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими мухбири.

Жиззах медицина билим юртида 1700 нафар ўқувчи таҳсил олади. Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган 40 та аудитория ва лаборатория улар хизматида.

Сиз кўриб турган суратда ўқитувчи Дилфуза Абдураззоқова иккинчи курс ҳамширалар гуруҳининг аълочи талабаси, республика кўрик-танлови қатнашчиси Наргис Азимова билан амалий машғулот ўтказаётган пайт акс эттирилган.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ!

Бугунгача сиз йўллаган хат-хабарлар, бошқотирмалар, ҳажвий расмлар ва суратлар сони 8 мингтадан ошиб кетди. Олти мингга яқин мактубларнинг 250 тасини эса шикоят ва арзномалар ташкил этади.

Мутасадди ташкилотларга текшириб, чора кўриш учун юборилган 184 та шикоят хатга 200 тадан ортиқ, рўзномамиз саҳифаларида чоп этилган 92 та танқидий мақоланинг 62 тасига 80 та жавоб олдик. Жавобларнинг 90 фоизи рўзномамизга мурожаат этганларнинг талаби қондирилганлигидан далолат беради.

Обуна давом этмоқда

НАҲОТКИ КЕЧИКДИМ?

«Мен бу йил биринчи ярим йил учун 8 номдаги рўзнома ва 7 номдаги ойномага (97 сўм 36 тийин) обуна бўлдим. Иккинчи ярим йил учун яна ўша рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш ниятида квитанция ёзиб, 29 май куни «Чойкўл» алоқа бўлими мудири Муродкамол Қурбонбоев орқали район «Союзпечать» агентлигига бериб юбордим. Бироқ улар «иккинчи ярим йил учун обуна тугаган» деб қайтаришибди. Шу ростми?

Ахир мен иккинчи ярим йил бошланишидан 62 кун илгари обунага ҳаракат қилдим-ку!

Сизлардан илтимос, агар мумкин бўлса иккинчи ярим йил учун «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига обуна бўлишимга ёрдам берсаларингиз».

Холмурод ОТАМУРОДОВ,
Амударё районидаги «Қипчоқ» совхози, пенсионер.

Фарғона

СРОЧНАЯ ТЕЛЕГРАММА
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32=УЙ
"ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

БИЛИМ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН РЎЗНОМА ХОДИМИ РАЙҲОНАЛИ САФАРОВ ЎТКАЗГАН ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҒОЯТ ЖАЛБЛИ ЎТДИ. УНДА ТАЛАБАЛАР ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАРГА ҚОНИҚАРЛИ ЖАВОБ ОЛДИЛАР. БИЛИМ ЮРТИ ДИРЕКЦИЯСИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" РЎЗНОМАСИГА 1991 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН 200 НАФАР ТАЛАБА ОБУНА БЎЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ФАРҒОНА РАЙОНИДАГИ 23=ҲУНАР=ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ДИРЕКТОРИ Ғ.ПАРПИЕВ.

Самарқанд

СРОЧНАЯ ТЕЛЕГРАММА
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР

ТОШКЕНТ - 83. ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32=УЙ. "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИГА

ПАЙАРИҚ РАЙОНИДАГИ "ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ" КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИДАН 51 КИШИ "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ"ГА ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК УЧУН ОБУНА БЎЛДИ. СИЗЛАРГА ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАБ

КОЛХОЗ РАИСИ ЭРДОШ АҲАДОВ!

Бухоро

СРОЧНАЯ ТЕЛЕГРАММА
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР

ТОШКЕНТ. ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32=УЙ "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" МУҲАРРИРИГА

ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗКИ, ПЕШКУ РАЙОН МАРКАЗИЙ КАСАЛХОНАСИНИНГ 36 НАФАР ШИФОКОРИ "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" РЎЗНОМАСИНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН ЖАМИ 309 СЎМУ 60 ТИЙИН ТЎЛАБ ОБУНА БЎЛИШГАН.

ШИФОХОНА БОШ ВРАЧИ С.МУРОДОВ.
ШИФОХОНА БОШ БУХГАЛТЕРИ К.ЧОРИЕВ.
ПЕШКУ РАЙОН "СОЮЗПЕЧАТЬ" АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ А.МАВЛОНОВ.

Қашқадарё

СРОЧНАЯ ТЕЛЕГРАММА
МИНИСТЕРСТВО СВЯЗИ СССР

ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32=УЙ "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" МУҲАРРИРИГА

КИТОБ РАЙОН "СОЮЗПЕЧАТЬ" АГЕНТЛИГИ СИЗГА ШУНИ ЁЗИБ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, ШУ ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДАН БОШЛАБ ТАСАРРУФИМИЗДАГИ ОЛТИТА РЎЗНОМАЛАР СОТИШ ДЎКОНИ УЧУН ҚЎШИМЧА РАВИШДА ЯНА 120 ДОНА "ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ" РЎЗНОМАСИ ЖЎНАТИШНИ СЎРАБ ЖУМҲУРИЯТ "СОЮЗПЕЧАТЬ" АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ ЎРТОҚ МАМАСОДИҚОВА НОМИГА ТАЛАБНОМА ЮБОРДИК. МАЗКУР ТАЛАБНОМАНИНГ ИККИНЧИ НУСХАСИНИ АСОС УЧУН СИЗГА ЮБОРЯПМИЗ.

РЎЗНОМА ИЖОДИЙ ЖАМОАСИНИНГ БУНДАН КЕЙИНГИ ИШЛАРИДА ОМАДЛАР ТИЛАБ

ҲУРМАТ БИЛАН КИТОБ РАЙОН "СОЮЗПЕЧАТЬ" АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ Т.ЖЎРАЕВ.

Шунингдек, Шаҳрисабз район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи П. БЎРИЕВ ўз тасаррфидаги 12 та рўзнома сотиш дўкони учун 1991 йилнинг июнь ойидан бошлаб 110 дона «Қишлоқ ҳақиқати» жўнатишни сўраб жумҳурият «Союзпечать» агентлиги бошлиғи **Вилоят МАМАСОДИҚОВА** номига буюртма юборганлиги ҳақида телеграмма берган.

«Каршистройиндустрия» бирлашмасига қарашли Нишон районида янги ташкил этилган «Соҳибкор» хўжалиги раҳбари Х. МАХМАТМУРОДОВ ва район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи Б. ТЎЙЧИЕВЛАР ҳам «Соҳибкор» хўжалигининг 50 нафар ишчи-хизматчиси иккинчи ярим йиллик учун «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлганлигини маълум қилишган.

Азиз муштарийлар, «Қишлоқ ҳақиқати»ни, харид қилиб олиш учун рўзнома дўконларида навбат кутмай десангиз обуна бўлишни унутманг.

Мўътабар замин заҳматкашлари

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

САВОБТАЛАБЛИКНИНГ ҳам ҳар хили бўлади, савоб ишнинг ҳам. Ёшлигида ёки бутун умри давомида шайтонлик билан дўстига, оиласига, дину диёнатига, халқига хиёнату жиноят қилиб юрган нопок, порахўр, ҳаромхиштаклар бугун кўрибсизки бирданига намозхон, соқол-саллали мулла ёки фолбин, амалдор бўлиб қолибди. Сут билан кирган жон билан чиқар, деганлар.

Увол-савобни биладиган киши халқнинг ғазаби бошига тўқмоқ бўлиб тушганда эмас, эсини таниганидан буён ҳалолу поклик-ила хайрли ишга қўл уради. Шу одат унга бир умр муқим бўлиб қолади. Шунинг ўзи савоб иш, улуғ иш, чин инсоний фазилат.

Шукрким орамизда наслу насабига хиёнат қилмайдиган, доимо хайрли, савоб ишга қўл урадиган олижаноб кишилар кўп. Мана, қизиласкарлик соҳибкор Тоҳир бобонинг сахий одату хислатларига бир назар ташланг. Бутун умри савоб иш, ҳалол меҳнат билан ўтаяпти. Етмишдан ошибдики, ўша-ўша одати-одат. Унинг қай тарзда токзорлар яратиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиб, катта савоб иш қилганини кўпчилик билмаса керак. Бундан бир ой илгари Қизиласкар қишлоғининг кўҳна ва сокин Дарғом ёқасидаги 3 гектарлик майдонда токзор мавжуд эди. Бариси асл, хўраки, майизбоп, ширин-шакар узум берадиган токлар. Атрофда сув оқадиган бошқа ариқ йўқ. Дарғом эса у ердан 8—10 метр пастда. Тоҳир бобо бундан ўн саккиз йил илгари ана шу нотекис ерни кетмон билан текислади, челаклаб Дарғомдан сув ташиб, анвойи ток ниҳолларини ўтқазди. Майдон атрофида турфа мевалардан боғ яратди. Боғ эмас, боғи эрам бўлди.

Энди-чи? Савоб иш уволга айланди. Ҳозир бу боғу токзор суриб ташланиб, ўрнига сабзи-пиёз экиладиган бўлди. Гектаридан 300—400 центнердан узум етиштириладиган майдонда энди деҳқоннинг носвой пулига ҳам аранг етадиган даромад олиниши даргумон. Бу ҳол — ким тузади, кимдир бузади, савобга завол дегани эмасми? Тоҳир бобонинг мана шу кўргуликлардан жони қийнокда.

ОТАДАН ЎҒИЛ деганларича бор экан. Ўғли Абдумўмин ҳам савоб, хайрли ишни отасидан ўрганди. У ҳали еттинчи синф ўқувчиси эди. Сув тўла ариқ қувуридан нақ Дарғомга оқиб кетаётган 3 ёшли қизча Барно Ашуровани ўлимдан қутқариб қолганди. Ҳозир Барно уй-жойли, бола-чақали бўлган. Абдумўминни ҳар кўрганида «халоскорим, акажоним» деб жонсарак бўлади. Абдумалик ҳам уни худди туғишган синглисидек кўради. Мана буни айтади одамийлик, имони бутлик деб.

Абдумўмин Самарқанд дорилфунунида талаба эди ҳали. Дарғом бўйида дарс тайёрлаб туриб, шундоққина анҳор бўйидаги ярим гектарлик ерда тутзор, кўкаламзор яратишни орзу қилиб, ерни текислади. Ижозат сўраб, мақсадини бригадир Темирхон ака Норқуловга айтди. Бригадир қувониб кетганидан унга 500 туп тут ниҳоллари келтириб берди. Йигит бундан саккиз йил олдин ташкил этган тутзор ҳар йили хўжаликда боқилаётган ипак қуртларига тўйимли озуқа, кумуш толанинг асосий манбаи бўлаяпти.

Аммо Абдумўмин шу олижаноб меҳнати учун хўжаликдан бир мири ҳам олгани йўқ. Аксинча, қаровсиз моллар ҳар йили ниҳолларнинг қанчасини ғажиб ташлайди. Қизи, 5-синф ўқувчиси Маҳфиза бир вақтлар отаси дарс тайёрлаган олча тагида ўтириб китоб мутолаа қилади. Боққа ҳам қарайди, саёқ моллардан қўриқлайди. Отаси эса 46-ўрта мактабнинг география фани ўқитувчиси. Ҳозир у Дарғом бўйида «Минг терак» боғини яратиш ташвиши билан юрибди. Қайси бир нотавон, бахил унинг шахсий пулига сотиб олган сув насосини бузиб кетган эди. Энди яна машаққатлар билан укаси иккаласи янги насос сотиб олишга мажбурдирлар. Мактабда эса унинг бевосита ҳиммату ғайрати билан ўша бузиб ташланган ота токзоридан 20 мингта ток қаламчалари олиниб, алоҳида майдончада парвариш қилинмоқда. Келгусида бу ҳам каттагина маҳаллий навлардан иборат узумзор бўлади. Мана сизга оқибату охиратга савоб.

САВОБНИНГ ТУРИ кўп, меҳнатининг роҳати кўпдир. Наврўз байрами кунида қизиласкарликлар ҳашар уюштириб, 50 метр ариқзовурни қазиб, тозалашди. Иш ҳақини шу қишлоқлик ўрта ҳол, кўп болали аёл Мелигул Ҳамроеванинг ҳисобига ўтказишди. Қўшнилар пул йиғиб, Мелигулнинг ёш болаларига турли ўйинчоқлар олиб беришди. Бундай хайрихоҳлик, савоб ишдан опахон ҳам беҳад миннатдор, боши осмонда.

ШУ ҚИШЛОҚЛИК сахий одам Хуррам ака Расуловнинг одамгарчилигини айтмайсизми! Тирикчиликдан тежаган 4—5 минг сўмлик пулига Дарғом устида кўприк қуриб қўшни қишлоққа йўл ва дил очиш учун темир қувурлар ва бошқа қурилиш материаллари сотиб олибди. Аммо раҳбарлар Хуррам акага ҳамдарду ҳамкор бўлишмаяпти. Хуррам ака ҳовлиси ва Дарғом канали атрофида яхшигина кўкаламзор ҳам яратган. Кунда бир айланиб, парвариш этади ниҳолларини. Яхши ном қолдирай дейди, у. Қуруқ ўтгунча, экиб ўт, қолдириб ўт деганларига муносиб иш бундан зиёда бўлмас.

ЯХШИКИ ОРАМИЗДА бундай саховатли, савобталаб мўминлар бор. Улар мусибатда ҳамдард, кулфатда кўмакдош, яхши-ёмон кунда елкадошдирлар. Хонадонимиз тинчлиги, ризқимиз бутунлиги, дастурхонимиз тўкинлиги ана шундай фидойи инсонлар туфайлидир. Доно халқимизда бир ҳикмат бор: олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасму?!!

Абдул Салом МУҲАММАД.
Самарқанд райони.

Умидворлик

БОЛАЛАРИМ ЎКСИМАСИН

Ҳурматли муҳарририят мени сизларга мактуб йўллашга иқтисодий ночорлик мажбур этди. 1986 йилнинг 23 декабридан 1987 йилнинг 20 апрелига қадар Чернобиль қурилишида ишладим. Ачинарлиси шундаки, у ердан қайтганимдан сўнг кўп ўтмай соғлиғимга путур етди, ишга яроқсиз бўлиб қолдим.

Оиламиз катта: 5 нафар фарзандим бор. Уларни едириш, кийдириш керак. Устигаустак уйимиз эски, вайрона ҳолатида.

Шу вақт мобайнида бир неча ташкилотларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Бироқ қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ экан. Фақат бир маротаба вилоят ижроқўми томонидан берилган 150 сўм ёрдам пулини ҳисобга олмаганда ҳеч қандай мадад бўлмади. На қишлоқ Советн, на жамоа хўжалиги, на район ижрокомидаги мутасаддилар «ҳолинг не» демайдилар.

Ахир мен вақтида ўз ёрдамимни ёрдамга муҳтож Чернобилга сарфлагандим!!!

Бугун эса ўзим кўмакка муҳтожман... Сизлардан илтимос мени тўғри тушуниб ногиронлик нафақаси олишга ёрдамлашсангиз.

Токи, менинг фарзандларим ўксишмасин.

Салайдин РАЖАБОВ.
Наманган вилоят Норин районидаги «Октябрь» колхози. Норинкапа қишлоқ Советининг Тиллабоев кўчаси 3-уй.

КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Нодир ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд шаҳридаги озиқ-овқат техникумининг ошпазлик бўлимига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишни бошлади. Кўп ўтмай район ҳарбий комиссариатидан чақириқ қоғози келди. Нодир ўз йигитлик бурчини Эстониядаги авиация қисмида ўтади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ўқишни давом эттирди. 1987 йил техникумни тугатиб, Қизилтепа умумий овқатланиш корхонасига ишга келди. Ўқиш бошқа иш бошқа. Билимни қўллаш учун тажриба оттириш керак. Нодиржон билмаганларини ошпаз Пўлат Улуғовдан ўрганди, мустақил ишлашга ўтди. Ҳозирги пайтда у Қизилтепа районидаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонасининг ошхонасида ишчиларга бош-қош.

— Бу корхонада ойига 385 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Эл-юртга хизмат қилиш осон эмас, — дейди Нодир Жамолов. — Айниқса, ҳозирги озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил пайтда уларни қаердандир топиб келиш шунчалар қийинки, асти қўяверасиз. Шунга қарамай зиммамиздаги топшириқлар ортиғи билан бажарилмоқда. Бу — халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонасининг қарийиб 300 нафардан зиёд ишчиларига кунгилдагидек хизмат қилаётганимиздан далолат беради. Шунингдек корхонада ойлик ва квартал режалар ортиғи билан бажарилганлиги учун 5 минг сўм миқдорида мукофот пули ажратилмоқда. Шунинг салкам минг сўми кечки сменада ишлаётганларнинг овқатини арзонлаштиришга сарфланаётир.

С. ЭГАМОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

БЕКОРЧИДАН ЭЛ БЕЗОР

«Кечалари «Ташминвода» бекатида бегона болалар ўтиради. Улар нега дарс тайёрламас экан? Агар мактабни битирган бўлса, бирон бир илм масканида ўқиши ёки бирон бир корхонада ишлаши керак-ку?!» — деб ёзганди Тузалбек ДЎСАНОВ редакциямизга йўллаган шикоят хатида.

Мазкур шикоят хатида яна талай муаммолар ҳам қаламга олинган эди. Шуларни текшириб чора кўриш учун Тошкент район ички ишлар бўлимига юборгандик.

«Ҳурматли Тузалбек Дўсанов, — деб жавоб йўллабди **Тошкент район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Х. ОЛИМХЎЖАЕВ.** — Сизнинг «Қишлоқ ҳақиқати» редакциясига ёзган шикоят хатингизни текширдик. Текшириш чоғида сиз баён этган ҳолатлар асосан тасдиқланди.

Ўсмирларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш, дам олишларини ташкил этиш ҳамда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш масалалари юзасидан қишлоқ Совети, маҳалла комитети ва совхоз дирекцияси томонидан қатор тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, совхоз ҳудудидаги мактабларда ташвиқот ишлари ўтказилди. Участка инспектори ва халқ дружиначиларининг мунтазам кечки чиқишлари йўлга қўйилди.



БОЗОР МУНОСАБАТИГА ЎТИЛГАЧ...

Бу қўруқ савлатнинг манзилгоҳи, Тошкент районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги идорасига кираверишдадир.

Мавзуга қайтамиз

Улар аввалига мақола эълон қилингандан кейин ҳам муаммонинг ижобий ҳал этилишига ишонмадилар. Ҳақиқатнинг юзага чиқиши оғир кечаётганини, алдов ишончдан, лабзсизлик эса бир сўзликдан юқори чиқаётганини афсус билан эсга олишди. Начора, сабр қилдик. Муштарийлар ишончи мухбирнинг ягона умиди эканлигини таъкидлашдан чарчамадик. Узоқ давом этган мулоқотдан сўнг уларни кўндирдик. Ишонтирдик...

МАКТУБДАН ПАРЧА: — Ҳурматли муҳарририят аъзолари. Яна бир карра умид билан сизларга мурожаат қилмоқдамиз. Рўзномангизнинг 1990 йил 4 январь сонида биз фаолият юритаётган Мирзачўл райони марказий касалхонасидаги носоғлом муҳит ҳақида танқидий мақола эълон қилинганди. Унда жамоада юзага келган гуруҳбозлик, раҳбарликнинг нотўғри йўлга қўйилганлиги қораланиб, касалхона бош врачи С. Жабборовнинг хатти-ҳаракатлари танқид қилинганди.

Афсуски, мақолада тилга олинган далиллар маҳаллий раҳбарлар ва соҳага алоқадор бўлган мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилмади. У эътиборсиз қолдирилди. С. Жабборов фаолияти касалхона коммунистлари муҳокамасига қўйилмади. Бу эса яранинг газак олишига имконият яратди. Бугунгача ҳам жамоамизда носоғлом муҳит ҳукм сурмоқда. Ўйлаймизки, чўл заҳматкашларига, деҳқону соҳибкорга баҳоли қудрат хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг бу сафарги илтимоси натижасиз қолмас. Масалага аниқлик киритиш мақсадида бир қатор қўшимча ҳужжатларни эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

Б. БОБОЕВ, Ш. ЖЎРАЕВ ва яна 8 имзо.

ЯРА ЯНА ГАЗАК ОЛМАСИН

Маълумки, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни қабул қилинди. Шу қонунда таъкидланганидек, чиндан ҳам матбуотга ишонч билдирганлар талабини қондириш, улар арзу додига холисона ёндашиш бугун биринчи галдаги вазифамиздир.

Хўш, мирзачўллик муштарийларимизнинг талаби нималардан иборат? Тиббиёт ходимларидан бир гуруҳи имзо чеккан шикоятда илгари Ворошилов районида ишлаган ва йўл қўйган камчиликлари учун ишдан ҳайдалган С. Жабборов бугунга келиб Мирзачўл район касалхонасида фаолият юритаётгани таъкидланади. Унинг ҳамкасбларига бўлган носамимий муносабати туфайли тажрибали табиблардан бир нечтаси райондан чиқиб кетишган.

Касалхонанинг жарроҳлик бўлими бошлиғи А. Шодиев ҳам С. Жабборовнинг «марҳамати» билан ишдан четлаштирилганди. Яқинда тажрибали жарроҳ район коммунистлари конференциясида ўз ишига қайтарилди. Делегатлар унинг ҳалол ва билимли шифокор эканлигини ва ишдан ноҳақ четлаштирилганини таъкидлашди. Бироқ касалхона бош врачи С. Жабборовнинг тўғри хулоса чиқариб олишига бу ҳам туртки бўлолмади.

Касалхона ходимларининг Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўллаган мактубларида улар бир неча йиллардан буён район партия комитети ва ижроия комитетига мурожаат қилишаётгани, лекин бундан ҳеч қандай наф чиқмаётгани таъкидланган. Бу ҳам фойда бермагач; «Дўстлик» рўзномасида С. Жабборовга 23 киши имзо чеккан очиқ хат эълон қилинди, деб таъкидланади мактубда.

— Бундай носамимийлик, носоғлом вазият беморларимизнинг даволанишларига салбий таъсир ўтказаётир,— деди биз билан суҳбатда жарроҳ Даврон Норбоев.

— Биз тирик жонлармиз, ахир, — деди терапевт врач Жавлон Жўраев. — Биз унинг раҳбарлигидаги ходимларимиз. Лекин биз Жабборов қўлидаги қўғирчоқ эмасмиз. Ўзимизга яраша фикримиз бор. Ҳақиқатнинг юзага чиқиши мушкул экан.

Қўлимизда С. Жабборовдан азият чеккан, унга бардош бераётган айрим табибларнинг кўргазмалари бор. Мана улардан бири: «...мен район касалхонасида бирор ижобий ўзгариш бўлишига ишонмаяпман. Чунки районда ҳеч қандай ҳақиқат йўқ...».

Галия Алимбетова қоғозга туширган ушбу фикр кишини ўйга толдиради. Хўш, эллик мингга яқин аҳолига хизмат қилаётган касалхона ходимларининг бунчалар тушкунликка тушишининг боиси нимада? Биз ана шу саволни Мирзачўл район партия комитетидаги ўртоқлардан, вилоят ижроия қўмитаси ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими мутасаддиларидан сўраймиз. Юқоридаги мунозарали тортишувлар маҳаллий раҳбарлар, коммунистлар, халқ депутатлари томонидан холис баҳоланишига умид қиламиз.

М. АБДУРАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЖАҲОН КУЛГИ САНДИҒИДАН

Габроволик: Пенча, мен ҳовли сотиб олмоқчиман, нима дейсан!

Пенча: эътирозим йўқ, лекин сен харид қиладиган ҳовли қандай бўлишини хоҳлардинг!

Габроволик: ҳовлим шунақа катта бўлсинки, хотиним уй ишлари билан овора бўлиб онасиникига боришга вақт тополмасин. Бундан ташқари, уйининг хоналари жуда кичкина бўлсинки, қайнонам бизникига кўчиб кела. олмасин.

●

Лекция тугагандан сўнг профессор талабалардан бирига деди:

— Нареш Шукла, сиз бутун лекциям давомида тинмасдан гапириб ўтирдингиз, уялмайсизми!

— Кечирасиз-у, жаноб профессор уйқуда гапирадиган одатим йўқ.

— Кўп ўтмай, — деди чет эллик бечораҳол рассом уй хўжасига, — ана шу кулбани кўриб одамлар: «Бу уйда буюк рассом яшаган ва ижод қилган» дейдиган бўлишади.

— Мутлақо тўғри! Агар сиз ижара ҳақини бугун тўламасангиз, одамлар бу гапни эртагаёқ айтишади.

●

— Поездда кетаётган вақтингизда бирон-бир бахтсизликни бошингиздан кечирганмисиз! — деб сўрадилар мечкайдан.

— Бўлмасам-чи! Бир куни ойнадан атрофга қарайман деб қўлимдаги колбасани тушириб юборганман!

С. ХАЙДАРОВ тўплаган.

Аркадий Андреевич РИБАКОВ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фани ва Тошкент давлат деҳқончилик дорилфунуни оғир жудоликка учради— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Аркадий Андреевич Рибаков 1991 йил 20 июнда 95 ёшида вафот этди.

А. А. Рибаков 1897 йилда Белоруссияда деҳқон оиласида туғилди. 1917 йилда қишлоқ хўжалик билим юртини, 1923 йилда эса К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академиясини битирди. 1943 йилда номзодлик, 1950 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади.

А. А. Рибаков 1931 йилдан Ўзбекистонда ишлай бошлади. 1945 йилдан 1953 йилга қадар Р. Р. Шредер номли мева ва резавор мевалар илмий-тадқиқот илмгоҳида бўлим мудири ва директор ўринбосари бўлди.

1951 йилдан 1988 йил май ойигача А. А. Рибаков Тошкент қишлоқ хўжалик илмгоҳи мевачилик ва узумчилик кафедрасига мудирлик қилиб келди. 1988 йилдан 1991 йилга қадар Тошкент давлат деҳқончилик дорилфунунида шу кафедра маслаҳатчи профессори бўлди.

Истеъдодли олим, тажрибали педагог ва моҳир ташкилотчи А. А. Рибаков мевашуносларнинг илмий мактабини ташкил этди, Ўрта Осиё жумҳуриятлари боғдорчилиги учун юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшди. У 4 фан доктори ва 33 фан номзодини тайёрлади, 160 дан ортиқ илмий асарлари эълон қилинди.

А. А. Рибаков ўз бурчини, топширилган ишни юксак масъулият билан бажариши, сезгирлиги, принципиаллиги, одамлар билан ишлай олиши ва камтарлиги туфайли дорилфунун профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг, жумҳурият илмий жамоатчилиги ва ишлаб чиқариш ходимларининг ҳурматини қозонди.

Боғдорчиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали илмий-педагогик фаолияти учун А. А. Рибаковга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилди. У иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, бешта медаль, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг учта фахрий ёрлиғи, «СССР қишлоқ хўжалик аълочиси» нишони билан тақдирланган эди.

Катта олим, тажрибали педагог, ажойиб инсон Аркадий Андреевич Рибаковнинг порлоқ хотираси унинг шогирдлари, ҳамкасблари, дўстлари ва ўртоқлари қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

В. А. БИЛБАС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКУМИ

1991—1992 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Гидромелиорация» (техник-гидротехникларни тайёрлайди);

«Гидромелиоратив ишларни механизациялаштириш» (мелиоратив ва қурилиш машиналарини ишлатиш бўйича техник-механикларни тайёрлайди);

«Автомат системаларини ишлатиш» (автомат қурилмаларини ишлатиш бўйича техник-электр механикларини тайёрлайди).

1-курсга асосий умумтаълим ҳажмида маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Кирувчилар она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

II-курсга ўрта умумтаълим мактаби ҳажмида маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой ва улар она тили ва адабиётдан диктант, математикадан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

ИМТИҲОНЛАР — 1—20 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Асосий умумтаълим мактабини аъло баҳоларга, ўрта умумтаълим мактабини олтин ёки кумуш медаль билан, ҳунар-техника билим юртини имтиёзли битирган шахслар аризаларнинг тушиш маромига қараб кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқишнинг барча турлари ва ихтисослари бўйича маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларида фақат «4» ва «5» баҳоларга эга бўлган шахслар суҳбат натижаларига кўра қабул қилинадилар.

Математика ва она тили бўйича республика олимпиадаларининг ғолиблари (тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда) ўзлари олимпиадада ғалаба қозонган фан бўйича имтиҳонлардан озод қилинадилар.

Ўқишга кириш тўғрисидаги директор номига ёзилган аризалар қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда 1991 йил 15 августгача топширилади: маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки етуклик аттестати (асли), 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, соғлиги тўғрисидаги 086/У шаклдаги маълумотнома, амалий меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар меҳнат ёки колхозчи дафтарчасидан кўчирма тақдим этадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар ётоқхона билан ва 100 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Техникум манзили: 700007, Тошкент шаҳри, 7-алоқа бўлими, М. Горький шоҳкўчаси, 41-уй (1«э», 17«э», 24«э»-автобуслар; 9, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий ҳисоб бошқармаси» бекати), 6, 13, 22-трамвайларнинг «Морская» бекати).

Телефонлар: 67-58-68, 67-58-79.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 10—11 синфни тугатганлар ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар, ёшлари чегараланмаган ҳолда қуйидаги бўлимлар бўйича қабул қилинадилар:

агрономия (мева-сабзавотчилик ихтисоси бўйича), мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, виночилик технологияси, консервалаш технологияси.

Техникумни тамомлаганлар жумҳурият жамоа ва давлат хўжаликларида агроном, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, виночилик ва консервалаш бўйича технолог лавозимларида ишлашлари мумкин.

Техникумда асосий мутахассисликка қўшимча равишда: агрономия бўлимида—уста-пайвандчи, мева дарахтларига шакл бериш устаси, тракторчи-машинист;

мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида — мева-сабзавотларни қайта ишлаш усталари каби ишчи касблари ҳам ўргатилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ:

Кундузги бўлимда агрономия ихтисоси бўйича — 2 йилу 10 ой,

Виночилик ихтисоси бўйича — 2 йилу 8 ой.

Консервалаш технологияси ва мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш ихтисоси бўйича — 2 йилу 6 ой.

Сиртқи бўлимда — 3 йилу 6 ой.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ТОПШИРАДИЛАР: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (айрим ҳолларда нусхаси), 4 дона 3х4 см ўлчамли сурат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Жамоа, давлат хўжаликлари ва корхоналардан юборилганлар учун белгиланган шаклдаги йўлланма.

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхат ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар кундузги бўлимга — 15 августгача, сиртқи бўлимга 30 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 1 августдан 20 августгача, сиртқи бўлимда — 1 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР: кимё (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан, ўрта махсус билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар, шунингдек ўрта мактабни мақтов ёрлиғи ёки «4» ва «5» баҳоларга тугаллаганлар суҳбат асосида ўқувчилар сафига қабул қилинадилар.

Ётоқхона ва стипендия умумий тартибда белгиланади.

Техникум манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, академик Р. Р. Шредер номли илмгоҳи «Кенсой даҳаси» (Транспорт: Тошкент шаҳри, «Чор-су» автостанциясидан 478-автобусга ўтириб «Техникум» бекатигача ёки 479-автобус билан «Шўро бозори» бекатигача, шу бекатдан 478-автобусда «Техникум» бекатигача борилади).

...КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Кимга қандай билмадим-у Деҳқонбувангизга ёз меҳнати билан ёқади. Бу даврда тирик жон борки, тиним билмайди. Айниқса қишлоқда иш ҳар қачонгидан кўп. Қаёққа қараманг, ҳамма бирор юмуш билан машғул. Ҳа, элни тўйдираман, деган киши бу пайтда оромидан кечади.

Хўш, шундай паллада Деҳқонбувангиз бир четда қўл қовуштириб, жим туриши тўғрими? Йўқ, албатта. Ўрнимни қайноқ меҳнат қучоғида, инсонлар орасида деб биламан. Юртимиз қишлоқ ва шаҳарларини кўп бора кезиб чиққанман. Бу гал Қашқа воҳасига йўл олмоқчи бўлдим. Афсуски...

Шу йил 13 июнь куни пойтахт метросининг «СССР 50 йиллиги» бекатида жойлашган темирйўл кассасидан патта олдим. 20 июнда жўнамоқчи эдим. Лекин бу орада тайёра паттаси топилиб қолди. Шу боисдан 66-рақамли «Тошкент—Китоб» тезюрар поездининг паттасини қайтариб топшириш мақсадида 18 июнь куни Тошкентдаги олдиндан билет сотиш марказий темир йўл кассасига бордим. Бу ердаги аҳвол дилимни хуфтон қилди. Патта туйнуклари олдида одамлар оз. Лекин қайтариб олувчи 11-туйнук тирбанд эди. Боисини суриштирсам, ҳар ким турлича гапирди. Биров хизмат кўрсатаётган аёл суст ишлаётганидан нолиди, бошқаси тушлик яқинда тугаганлигини айтди.

Соат иккидан йигирма дақиқа ўтганди. Туйнукнинг нари ёғида ўтирган ёшгина аёлнинг ишини кузатдим. Чиндан ҳам у жуда секин ишларди. Шу орада бир таниши келиб чақирганда олдига чиқишини айтди. Буни эшитиб навбатда турганлар шовқин кўтаришди.

Шундан сўнг Деҳқонбувангиз 21-туйнукдаги маълумотхонадан шикоят дафтарини сўради. У ерда ўтирган аёл ичкаридан бир йигитни чақириб чиқди. Мақсадимни айтдим, кўрганларимни гапириб бердим. Йигит бошқа бир ўзбек аёлини бошлаб келди. Унга ҳам бирмабир сўзладим. Ниҳоят шикоят дафтарини тутқазишди. Бу ердаги камчиликларни ёзиб, кўнглим енгил тортди. Ташқарида, 11-туйнук олдида ҳамон навбат сурилмаган эди. Ичкарида машина ишламаётганлигини айтишганди. Паттани қайтариб топширмоқчи бўлганлар билан суҳбатлашдим.

Абдулганиева Римма: — Уй бекасиман. Темир йўл паттасини топширмоқчиман. Бу ерга келганимга 2 соатдан ошаяпти. Ҳозир навбатда учинчиман. Лекин кўриб турибсизки, қабул қилувчи аёл йўқ. Паттани топширгунимча яна ярим соат ўтса керак.

Ковалёва Валентина: — Мен ҳам икки соатдан бери кутаяпман. Костромага олган паттани топширмоқчиман. Одамларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ҳақида қанча гап-сўзлар бўлади, аммо аҳвол ўнгланмаётир. Ахир, шу учун икки соатдан зиёд вақтимни беҳуда ўтказаяпман-да. Қачон бу ерда тартиб-интизом ўрнатиларкин?

Халилова Зарима: — Келганимга бир соат бўлаяпти. Андижондан Тошкентга қайтиш билетини топшириш ниятида ўтирибман. Навбатим ҳали-вери келмаса керак.

Крапивка Валентина: — Мен эса Пензадан Тошкентга қайтиш паттасини топшираман. Кутаётганимга бир ярим соатдан ошди.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси тўлиб туришган экан. Бир оғиз сўрашингиз билан дард-ҳол қилишади. 11-туйнук ходимаси Елена Макарованинг ўзини тутиши «...кўланкаси майдон» одамни эслатади.

Биз, йўловчилар шундай фикрдамиз. Бироқ олдиндан патта сотиш марказий кассасининг раҳбарияти, қолаверса Ўрта Осиё темир йўли мутасаддилари бунга нима дейишаркин?

Деҳқонбува котиби:
И. ЭРГАШЕВ.

НАСИҲАТ

Сизга мендан насиҳат,
Иш битгунча ғинг
деманг,
Эшак лойдан ўтдими,
У ёғига ғам еманг.

ЎСИШ ЙЎЛИ

Ўсиш йўлин «байроғи»—
Телефон қўнғироғи.
Миниб олсанг амалга,
Кетаверар уёғи.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Ўз феълимдан ҳар доим,
Ҳайрону лол бўламан,
Бир кун ғийбат
қилмасам—
Яшолмайман—
ўламан.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ

Билмасангиз билиб
олинг,
Хуфя айёрлар бўлар,
Ясаб қўйиб игнадан фил,
Тўйиб-тўйиб сўнг кулар.

Эркин СИДДИҚОВ

— Мана хоним, сизга пул!
— Мана жоним, сизга гул!

— Буларда на эҳтиёт қисм, на ёқилғи бор. Кел, ҳашар қилиб юборайлик.

Х. СОДИҚОВ чизган расмлар.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

ҚАЛБ НИДОСИ

Бетоб бугун осмонимиз,
она замин, табиат.
Инсонлардан нола қилиб,
сўраётир у мадад.
Кимдир унинг дардларига
топмоқ бўлади шифо.
Яна кимдир ваъз айтади:
«Бўлсин ҳаво мусаффо!»
Асл боғбон дарахт экиб,
Чўл қўйнини боғ этар,
Бошқа бири уни кесиб,
чаман бағрин доғ этар.
Ҳайқираман, дилдан
нолиб,
туғён урар бир нидо.
Бу кетишда табиатдан
бўлиб қоламиз жудо!

Маҳлиё ТУРДИЕВА.
Фарғона вилояти.
Киров райони.

Муҳаррир
Н. ЁҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

22 ИЮНЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
*
9.00 «Ахборот».
9.25 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
11.00 «Оналар мактаби».
11.30 «Замин саховати».
12.00 Алифбо сабоқлари. I босқич (такрор.).
12.35 «Муҳофаза».
13.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Охирги дарс».
* * *
18.00 Мультфильм.
18.25 «Ёш ижодкорлар кўриги».
19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Чолғу куйларидан концерт.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 Москва. «Время».
21.10 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов куйлайди.
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 2-серия.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

9.00 «Қобуловлар оиласи — студиямиз меҳмони».
9.25 Г. Успенский номидаги жумҳурият мусиқа мактаб-интернат ўқувчиларининг чиқиши.
10.50 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада».
* * *
АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 «Антенналар шарққа қаратилган».
17.55 Янгиликлар.
18.05 «Хатларингиз асосида...».
18.55 Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 50 йиллигига. «Ҳаммани номма-ном эсла».
19.55 «Туркманистон».
20.10 «Кичкинтойлар, Сизлар учун».
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Туркманистон».
21.30 «Едиген».
22.25 «Ёзувчи Хўжанепес Мөляев — 50 ёшда».

● МТ I

6.00 «Омон қолиш усули». Телевизион ҳужжатли фильм.
6.30 Мультфильмлар.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 ТСН.
8.20 «Сиз яратган боғ».
8.50 Мультфильмлар: «Бир қоп олма», «Олтин туфлича сири».
9.20 «Бурда моден» таклиф этади...».
9.50 «Сизга ветеранлар...». «Унутмаганимни ҳадя этаман».
10.25 «Тонг юлдузи».
11.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.55 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
14.30 ТСН.
14.45 «Ғолиблар».
15.45 Учрашув.
16.45 «Туғилган тун». Мультфильм.
17.00 «Халқаро панорама».
17.45 «Хабарлар».
18.25 «Номинг ўчсин уруш». Олти серияли совет — герман ҳужжатли фильми премьераси. 6-фильм.
18.55 Рус хореографияси ва фольклор қўшиқчилиги концерти.
19.25 «Бу биз, худойим...». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Время».
21.10 Долзарб интервью.
21.20 Мусиқий кўрсатув.
23.10 «Уни ер шарига дафн этишган». Ҳужжатли фильм.
23.55 «Бу ўтган ёзда бўлган эди». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса).

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.00 Миллий баскетбол уюшмалари профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. «Хьюстон рокетс» — «Лос-Анжелес лейкерс». 9.00 «Товуқ». Мультфильм. 9.10 Р. Шуман. «Арабескалар». 9.20 «Ташландиқ канал». Телефильм.
*
9.30 —11.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.
«Замандас» кўрсатуви.
*
11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 50 йиллигига. Программада: Брест — Севастополь — Одесса — Мурманск — Москва йўқламаси; СССР халқ депутатлари «Ҳамжиҳатлик» бирлашган гуруҳи аъзолари билан давра суҳбати. 14.00 «Печкачилар». Телевизион бадиий фильм («Экран»). 15.20 «Қадимий романс». 16.05 «Умка дўстини излайди». Мультфильм. 16.15 Рус тили.
*

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5566. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 3.15 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12